Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ЎЗБЕКИСТОН ФАХРИЙЛАРНИ ИЖТИМОИЙ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ «НУРОНИЙ» ЖАМҒАРМАСИ ТЎҒРИСИДА

1. Ўзбекистонда ўтказилаётган ижтимоий сиёсатнинг самарадорлигини ошириш, кексаларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва уларнинг ёш авлодни тарбиялашдаги фаоллигини ошириш мақсадида, қатор республика жамоат ташкилотлари, вазирликлар, муассасалар, корхоналарнинг Ўзбекистон фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармасини таъсис этиш ҳақидаги таклифлари қабул қилинсин.

2. Жамғарма ўзини-ўзи мустақил бошқарувчи, маблағ билан таъминловчи ва мустақил фаолият кўрсатувчи ноҳукумат жамоат бирлашмаси эканлиги таъкидлансин.

3. Жамғарма қуйидаги мақсад ва вазифаларни ўз фаолиятининг асоси этиб белгилаганлиги эътиборга олинсин:

— республикада ўтказилаётган кучли ижтимоий сиёсатни амалга оширишда, айниқса, уруш ва меҳнат фахрийлари, ногиронларни эъзозлаш, уларнинг атрофида эҳтиромли муҳит ҳосил қилиш, зарур моддий, маънавий, тиббий ёрдам кўрсатиш чораларини кўришда фаол қатнашиш;

— мустақил Ўзбекистонни янгилаш ва ривожлантиришнинг маънавий-ахлоқий негизларини мустаҳкамлаш, фахрийларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётда фаол иштирок этишлари, бор билим ва салоҳиятларини истиқлол ишига сафарбар этишлари, мустабид совет тузумининг халқимиз, ўлкамиз тараққиётига етказган зарарини чуқур таҳлил қилиш ҳамда жамоатчиликка етказишлари учун зарур шарт-шароитлар яратиш;

— миллий қадриятларимиз, ўзбекона эрксеварлик, ватанпарварлик, меҳнатсеварлик, тотувлик, бошқаларга иззат-икром хислатларини авлоддан-авлодга ўтиб, янада бойишига ҳисса қўшиш, ёшларни она Ватанга, халқимизга, истиқлол ишига садоқат, буюк келажак учун курашчанлик руҳида тарбиялашда самарали фаолият кўрсатиш;

— фахрийлар ва ногиронларнинг моддий шароитини яхшилаш, улар учун белгиланган имтиёзларнинг, нафақа тўғрисидаги қонунчиликнинг тўла ва ўз вақтида амалга оширилишида раҳнамолик қилиш, бу борада ижрочи ҳокимият органларига кўмаклашиш, кексалар, ёрдамга муҳтож ва бошқа турли табақаларга савдо, маданий-маиший, тиббий ёрдамлар кўрсатиш, шу мақсадларга йўналтирилган ишлаб чиқариш, тижорат, ноширлик, хайрия ишларини амалга ошириш, оммавий тадбирлар ўтказиш.

4. Жамғармани қўллаб-қувватлаш, унинг фаолияти учун зарур шарт-шароитлар яратиш давлат идоралари, жамоат ташкилотлари ҳамда ишлаб чиқариш корхоналари раҳбарлари, тадбиркорлар, бошқа юридик шахслар ва фуқароларнинг кекса авлод олдидаги фарзандлик бурчи деб ҳисоблансин.

5. Жамғарма барча юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан, хорижий ҳомийлар учун очиқ эканлиги маълум қилинсин.

6. Жойларда жамғарманинг тегишли тузилмаларини ташкил этиш билан боғлиқ бўлган масалаларни ҳал қилиш Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳокимликлари зиммасига юклатилсин.

7. «Нуроний» жамғармаси, унинг жойлардаги бўлимлари тасарруфидаги ишлаб чиқариш ва тадбиркорлик тузилмалари уставда кўрсатилган мақсад ва вазифалар доирасида кўрсатган фаолияти учун барча турдаги солиқлардан озод қилинсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «Нуроний» жамғармасининг фаолият кўрсатиши билан боғлиқ бўлган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1996 йил 4 декабрь.

ПРЕЗИДЕНТ ЛИССАБОНДАН ҚАЙТИБ КЕЛДИ

Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик ташкилотига аъзо мамлакатлар давлат ва ҳукумат раҳбарларининг Португалия пойтахтида бўлиб ўтган олий даражадаги учрашувида иштирок этган Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 4 декабрь куни Лиссабондан Тошкентга қайтиб келди.

Тошкент аэропортида Ислом Каримовни Олий Мажлис Раиси Э. Халилов, Бош вазир Ў. Султонов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлаганов ва бошқа расмий кишилар кутиб олди.

(ЎзА).

АРНАСОЙ ДЕНГИЗГА АЙЛАНАДИМИ?

• Хорижликлар бизга ҳавас қилишсаю...

• Табиий офатми ё Оллоҳнинг иноятми?

• Сув ҳавзаси икки баравар кенгайди, маҳсулот эса ўн баравар камайди. — Нега?

2-бет

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси | 1996 йил 5 декабрь, пайшанба № 155 (22.076). | Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

ЕХҲТ: ЯЛПИ ХАВФСИЗЛИК МОДЕЛИНИ ЯРАТИШ ЙЎЛИДА

СУРАТЛАРДА: 1. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов Португалия Президенти Ж. Сомпайу билан учрашди. 2. Ялпи мажлис пайти.

Ф. ҚУРБОНБОЕВ ва Р. НУРИДДИНОВ (ЎзА) олган суратлар.

Илгари хабар қилинганидек, шу йил 2-3 декабрь кунлари Португалия Республикаси пойтахти Лиссабон шаҳрида Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик ташкилотига аъзо мамлакатлар давлат ва ҳукумат бошлиқларининг навбатдаги учрашуви бўлиб ўтди.

Ушбу мўътабар халқаро анжуманда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ҳам иштирок этиб нутқ сўзлади.

Кўҳна дунёнинг янги муаммолари

Европа қитъаси «совуқ уруш» тугагач, янги даврга қадам қўйди. Икки ҳарбий-сиёсий блок ўртасидаги қарама-қаршилик ўрнини ўзаро бирбирини тушуниш ҳамда шериклик ва ҳамкорлик руҳи эгаллай бошлади.

Ўша вақтда икки блок давлатларининг бошини қовуштирган, мавжуд муаммоларни кўп томонлама музокаралар йўли билан ҳал этиш имконини берган ягона анжуман Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик кенгаши эди.

1975 йил 1 август куни Финляндия пойтахти Хельсинки шаҳрида қабул қилинган Якунловчи Акт ва унинг «декалог» деб ном олган ўнта принципи унга қул қўйган 35 та давлат зиммасига эгаменликни ҳурмат қилиш, куч ишлатмаслик, чегараларнинг дахлсизлиги, давлатларнинг ҳудудий яхлитлиги муаммоларини тинч йўл билан ҳал этиш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳурмат қилиш, ички ишларга аралашмаслик каби бир қанча сиёсий мажбуриятлар юклади.

Натижада ҳарбий-сиёсий гуруҳбозлик ўрнига давлатларнинг ўзаро бир-бирини тушуниши муҳити вужудга кела бошлади. Ихтилоф ўрнини ҳамкорлик эгаллай борди. Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги ҳудудида собиқ Югославиядаги воқеаларнинг такрорланмаганлиги сабабларидан бири шуки, Хельсинки Якунловчи Акти янги давлатлар ўртасидаги муаммоларни ечишга асос бўлиб хизмат қилди.

Бугунги кунга келиб, Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар сони 55 тага етди. ЕХҲТнинг Лиссабон саммитида ташкилотга аъзо мамлакатлардан ташқари Урта Ер денгизи мамлакатлари (Тунис, Миср, Жазоир, Исроил, Марокаш) ҳамда Япония ва Корея Республикаси вакилларининг кузатувчи сифатида иштирок этгани унинг обрўси тобора ортиб бораётганидан далолат беради.

«Совуқ уруш» тугаган, собиқ Югославиядаги уруш олови ўчирилган Европада хавфсизлик ва барқарорлик қарор топдими, деган савол туғилиши табиий. Афсуски, йўқ.

Ислом Каримов ўзининг мазкур саммитдаги нутқида таъкидлаганидай, янги шароитда ялпи хавфсизликка ҳарбий-сиёсий блокларнинг ёки давлатларнинг ўзаро қарама-қаршилиги эмас, аксинча, миллий, минтақавий ва маҳаллий можаролар, қурол-яроғ савдоси, инсон ҳуқуқларининг поймол этилиши ҳамда давлатлар ичидаги сепаратизм хавф туғдирмоқда.

Бундай муаммоларни ҳал этишда барча халқаро, минтақавий ташкилотлар баҳамжиҳат иш юритиши лозим бўлади.

Эндиликда хавфсизликни фақатгина сиёсий ёки ҳарбий тушунча деб қараш бутунлай нотўғри. У иқтисодиёт, демократия, терроризм ва наркотик моддалар ишлаб чиқаришга, ноқонуний йўл билан топилган пулларни қонунийлаштиришга уринишларга қарши кураш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш каби қатор муаммоларни ўз ичига қамраб олади.

Бугунги чигал шароит ялпи хавфсизликни таъминлаш борасида мутлақо янгича ёндашувлар ва ҳаракат дастурлари ишлаб чиқиш зарурлигини кўрсатмоқда. Албатта, бундай ёндашувлар 1975 йили Хельсинкида қабул қилинган Якунловчи Актнинг ўн принципига асосланиши, бошқача айтганда, бутун ЕХҲТ минтақасида «демократик маданият»ни қарор топ-

(Давоми 2-бетда).

8 декабрь — Ўзбекистон Конституцияси куни

«МАЙСАЛАРИНГ ЖОНИМГА МАЛҲАМ»

Мустақил Ватан шаънига шоира Шарифа Салимова ўқиган бу сатрлар барчанинг дилидаги кайфиятни ифода этди дейиш мумкин. Утган куни пойтахтимиздаги «Баҳор» томошахонасида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кунига бағишланган шеър ва қўшиқ кечаси бўлиб ўтди. Анжуманни соҳибқирон бобомиз Амир Темур сиймосида Ўзбекистон халқ артисти Теша Муминов бошлаб берди. Абдулла Ориповнинг «Соҳибқирон» асаридан ижро этилган монологдан сўнг Мирмуҳсин, Ойдин Ҳожиева, Йўлдош Сулаймон, Муҳаммад Юсуф, Анвар Обиджон, Абдували Қутбиддин, Рустам Мусурмон каби шоирлар ўз шеърларида, Ўлмас Саиджонов, Ғуломжон Ёқубов, Исроилжон ва Исмоилжон Ваҳобовлар, Марям Сатторова сингари хонандалар янгроқ қўшиқларида мустақил Ўзбекистон шаънига мадҳиялар айтишди. Кечани Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов олиб борди. Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат маслаҳатчиси Ўткир Раҳматов қатнашди.

Ўз мухбиримиздан.

МАРКАЗИЙ КЕНГАШДА УЧРАШУВ

4 декабрь куни Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашида Вьетнам Социалистик Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Нгуен Ван Дак, унинг илтимосига кўра, қабул қилинди.

Марказий Кенгаш биринчи котиби Абдулҳафиз Жалолов меҳмонга республикамизда мамлакат Президенти И. А. Каримов бошчилигида амалга оширилаётган туб ислоҳотларнинг бориши ва уларда партиямиз ташкилотлари ҳамда аъзоларининг иштироки хусусида сўзлаб берди.

Элчи қабул учун миннатдорчилик билдириб, халқларимиз ўртасидаги дўстлик алоқаларини янада ривожлантириш мамлакатларимиз туб манфаатларига мос эканлигини таъкидлади.

Учрашувда Ўзбекистон ХДП МК котиби Ҳ. Авезов иштирок этди.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот маркази.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЕХҲТГА АЪЗО ДАВЛАТЛАР БОШЛИҚЛАРИ УЧРАШУВИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

Муҳтарам раис жаноблари!
Хонимлар ва жаноблар!

Европадагина эмас, балки бутун дунёда вазият ва кучлар нисбатининг тез ўзгараётгани, янги мустақил давлатларнинг майдонга чиқаётгани ҳозирги вақтда давлатлар ва халқлар барқарорлигини таъминлаш, XXI аср бўсағасида хавфсизликнинг янги моделини ишлаб чиқиш учун янги ёндашувларни излашни қатъий тақозо этмоқда.

Бу хавфсизликни биз қандай тасаввур этамиз?

Биринчидан. Ўзбекистон ЕХҲТнинг асосий тамойилларидан бири бўлган хавфсизлик яхлитлигини тўла қўллаб-қувватлайди.

Хавфсизликнинг, шу жумладан, Европа хавфсизлигининг чегараси йўқ. Шунга асосланадиган бўлсак, бизнинг назаримизда Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик ташкилоти — ЕХҲТнинг ўрни ва аҳамияти, агар жоиз бўлса, масъулияти Европа доираси билан чекланиб қолиши мумкин эмас, балки унинг ташқарисидан келаётган мавжуд хавфни ҳам ҳисобга олиши лозим.

Биз Марказий Осиё минтақасининг жўғрофий-стратегик ҳолатини, унинг салоҳиятини, улкан хом ашё ва инсоний ресурсларини, шунингдек, тез ривожланаётган бу минтақада содир бўлаётган хавфсизлик учун хавф-хатарларни ҳисобга олган ҳолда, ЕХҲТ бу ерда ўз фаолиятини янада кучайтириши тарафдоримиз.

Иккинчидан. «Совуқ уруш» тугаганидан сўнг ялпи хавфсизликка, шунингдек, Европа хавфсизлигига ҳам, этник, минтақавий можаролар, давлатлар ичидаги тажовузкор миллатчилик ва урушқоқ сепаратизм асосий хавф солиб турибди.

Учинчидан. Минтақа можаролари тобора тез-тез терроризм ва зўравонлик, наркобизнес ва ғайриқонуний қурол савдоси, инсон ҳуқуқларини оммавий равишда бузиш каби хатарли хавфлар ва ҳаракатларнинг доимий манбаига айланмоқда. Бу ҳоллар давлат чегараси нималигини билмайди. Шу сабабли халқаро хавфсизлик тизими жўғрофий белгиларга қараб эмас, балки минтақалараро даражада мувофиқлаштирилган биргаликдаги ҳаракатлар билан белгиланиши лозим.

Шу муносабат билан биз Афғонистонда 18 йилдан буён уруш давом этаётганлигидан, бу мамлакат фақат Марказий Осиёдаги эмас, балки бутун дунёдаги хавфсизлик учун ҳозир ўта хатарли хавфга, халқаро терроризмнинг, Европага кўплаб миқдорда наркотик моддалар етказиб берилишининг манбаига — ўта хатарли марказга айланиб қолганидан ЕХҲТ ва бошқа Европа тузилмалари ташвишланаётгани ва хавфсираётганини мутлақо асосли, деб биламиз.

БМТ маълумотларига қараганда, жаҳонда етиштирилаётган наркотик моддаларнинг деярли 40 фоизи ҳозирги вақтда уруш давом этаётган Афғонистонга тўғри келаётгани ҳисобга олинса, гап қандай хавф тўғрисида бораётгани равшан бўлади.

Ўзбекистоннинг Афғонистонда можарони ҳал этиш ҳамда бу уруш Афғонистондан ташқарига чиқиб, кучайиб кетишининг олдини олишнинг дастлабки ва энг муҳим шарти сифатида Афғонистонга қуроляроғ олиб келишни тақиқлаб қўйиш тўғрисидаги таклифини қўллаб-қувватлагани учун мен Европанинг барча тузилмаларига самимий миннатдорлик изҳор қилмоқчиман.

Мен эътиборни қаратмоқчи бўлган навбатдаги масала—ЕХҲТ маконини кимларнингдир таъсири майдонига бўлиб юбориш, Европадаги бир тузилмани иккинчисига қарама-қарши қўйишнинг номақбуллигидир. Бизнинг назаримизда, бир-бирига бўйсинувчи тузилмаларни барпо этмасдан, муштарак манфаатларни кўзлаган ҳолда Европанинг мавжуд ташкилотлари ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш муҳимроқдир.

Биз Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик ташкилотининг ўзаро келишилган ҳаракатларни ишлаб чиқиш ва мувофиқлаштириш, можароларнинг олдини олиш мақсадида самарали воситаларни шакллантириш, танг вазиятларни ва можаролардан кейин пайдо бўлган вазиятларни унда иштирок этувчи барча мамлакатлар учун мақбул равишда бошқариш учун нуфузли халқаро тузилмага айланаётганини табриклаймиз.

Бизнингча, жаҳондаги вазиятнинг ўзгарганини ҳисобга олиб, ЕХҲТга аъзо бўлган давлатлар қоидалари ва мажбуриятларини ҳамда бу ерда айтиб ўтилганидек, хавфсизликнинг янги хартиясини ишлаб чиқиш тўғрисидаги масалани ўртага қўйиш ўринлидир.

Бунда давлатлараро муносабатларда хавфсизлик ва барқарорликни сақлаб туришнинг муҳим шарти сифатида ҳозирги чегаралар дахлсизлиги ва ҳудудий яхлитликни яна бир бор тасдиқлаш муҳимдир.

Биз халқаро муносабатлар тажрибасида ҳар бир мустақил мамлакатнинг миллий манфаатларидан келиб чиққан ҳолда муайян халқаро тузилмаларда, шу жумладан НАТОда ўз хавфсизлигини таъминлаш мақсадида ўз иштироки даражасини мустақил белгилашига асосланиб, унинг ҳуқуқлари кўзда тутилиши лозимлигига аминмиз.

Ўз-ўзидан равшанки, биз бу ўринда хавфсизликнинг ҳимоя қилинишини, бошқа мамлакатларнинг манфаатлари камситилишига, яқин ўтмишдаги ҳарбий-сиёсий қарама-қарши туришдек ачинарли тажрибага қайтишга ва янги «Берлин» деворларини тиклашга йўл қўймасликни таъминлаш лозимлигини кўзда тутяпмиз.

Бизнингча, блоклар тафаккуридан бутунлай воз кечиш, собиқ советлар ҳудудидаги айрим қайсар кучларнинг анъанага айланиб қолган эски шиорлар остига яшириниб, блокларнинг бир-бирига қарама-қарши туриш вазиятини кучайтиришга уринишлари мутлақо истиқболсиз эканини тушуниб етиш бундай хавф-хатарнинг олдини олишнинг энг муҳим шартларидан биридир.

Бизнинг назаримизда экология ва ядро хавфсизлиги муаммолари ҳам алоҳида эътиборни талаб қилади.

Биз Ўзбекистоннинг БМТ Бош Ассамблеяси минбаридан мурожаат қилиб ўртага ташлаган ташаббусини қўллаб-қувватлашни илтимос қиламиз. Гап ядро қуролига шерик бўлиш режаларини яширмаётган айрим давлатлар қўшни бўлган Марказий Осиё минтақасини ядросиз зона деб эълон қилиш тўғрисида бормоқда...

Бундай интилишларнинг мазкур кенг минтақада яшаётган миллионлаб кишилар учун хавфли эканини олдиндан кўра билиш қийин эмас.

Биз Орол денгизининг қуриши билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишга эътибор бераётгани учун ЕХҲТдан миннатдормиз. Бироқ аниқ ёрдам бўлмаса ва давлатлараро дастурни ишлаб чиқиш ҳамда уни амалга ошириш учун зарур миқдорда маблағ ажратилмаса, жаҳоншумул тус олиб бораётган бу муаммони ҳал этиб бўлмайди.

Раис жаноблари!

Ўзбекистон Европа Иттифоқи ва унинг тузилмалари билан муносабатларни яқинда Флоренцияда имзоланган шартнома доирасида янада кенгайтириш ва чуқурлаштиришга, шунингдек НАТОнинг «Тинчлик йўлидаги ҳамкорлик» дастури доирасидаги ҳамкорликни кенгайтиришга алоҳида аҳамият бермоқда.

Европа мамлакатлари билан қилинаётган ўзаро фойдали ҳамкорлик ва алоқаларнинг кенгайиб бораётгани бизга республика салоҳиятини юзага чиқариш ва мамлакатимизнинг мустақилликни мустаҳкамлаш, демократик ва бозор ислоҳотлари йўлидан муваффақиятли ҳаракат қилиши учун кенг имкониятлар очиб бераётганига ишончимиз комил.

Лиссабон учрашувининг иш якунлари ЕХҲТнинг ҳали фойдаланилмаган имкониятларини қидириб топиш ва уларни рўёбга чиқаришга, давлатлар ўртасидаги ўзаро ишончни чуқурлаштиришига, халқларимизнинг хавфсиз ва тинч келажагига ишончини мустаҳкамлашга имкон беришига аминман.

Эътиборингиз учун ташаккур.

«Ўзбекистон овози» — ҳамманинг газетаси

Мени ва барча сафдошларимиз дарчаларимизга овози дунё бўйлаб ҳаранглаганини, «Ўзбекистон овози» саҳифаларида ўқиш ниятдамиз.

Нурлашт ила:
Ҳаётх Зоҳ

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманидан меҳнат фахрийси Ҳаким МАНСУРОВ:

«Қирқ йилдан буён газета обунасиман. Унда Ватанимнинг ўтмиши, бугуни ва нурли келажагини кўраман».

Жиззах пайпоқ тўқиш фабрикаси директори ўринбосари Саодат НАРЗИҚУЛОВА:

«Корхонамизда «Ўзбекистон овози»нинг мухлислари кўп. Уни ўқиб дунё янгиликларидан хабардор бўламиз».

ЕХҲТ: ЯЛПИ ХАВФСИЗЛИК МОДЕЛИНИ ЯРАТИШ ЙЎЛИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

тириш талаб этилади.

Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик ташкилоти юзага келган муаммоларни ҳал этиш билан бир қаторда можароларнинг олдини олиш, бўҳронларни бошқариш воситаси ҳамдир.

Шунинг учун Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик кенгаши давлат ва ҳукумат бошлиқларининг 1994 йилги учрашувида доимий фаолият кўрсатадиган ташкилотга айлантирилди.

Болқон ярим ороли тинчиди, Марказий Осиё-чи?

Бугунги кунда Европа хавфсизлигига Марказий Осиёдаги Афғонистон можароси унинг қоқ марказида жойлашган собиқ Югославия республикаларидаги бартараф этилаётган тангликдан кам таҳдид солмайди.

Ислом Каримов ЕХҲТнинг Марказий Осиё минтақасидаги фаолиятини янада фаоллаштиришга даъват этди. Бу минтақа муҳим жуғрофий-стратегик аҳамиятга молик, улкан табиий ва ҳом ашё ресурсларига бой бўлиши билан бирга у ерда беқарорлик хавфи ҳам сақланиб турибди.

Афғонистон ва Тожикистон муаммолари, Орол денгизи қуриши билан боғлиқ экологик танглик шундай хавф манбаларидир.

Афғонистондаги фуқаролар уруши жафокаш афғон халқининг бошига оғир кулфатлар солиши билан бир қаторда халқаро терроризм, наркобизнес ҳамда қурол-яроғ савдоси марказига айланиб қолмоқда. Айниқса, мазкур ислом давлатида 18 йилдан бери тинмаётган уруш оқибатида вужудга келган вазиятни қайта изга солиш учун бутун жаҳон ҳамжамиятининг саъй-ҳаракатлари зарур.

Дунёдаги жами наркотик моддаларнинг 40 фоизи шу мамлакатда ишлаб чиқарилмоқда. Бу наркотик моддалар турли йўллар билан айнан ўта ривожланган Ғарб мамлакатларига ҳамда океан ортига олиб кетилмоқда. Улар бу ерга қайтадан қурол, жарақ-жарақ пул бўлиб қайтмоқда. Айтиш мумкинки, иқтисодиёти бутунлай издан чиқиб кетган бу мамлакатда ҳам, уни ўз таъсир доирасига олишга интилаётган давлатларда уруш бундан буён ҳам давом этишидан манфаатдор кучлар бор. Асосий тирикчилик манбаи наркотик моддалар ишлаб чиқариш бўлган ерда уруш давом этиб турган пайтдагина қулай шароит мавжуд бўлади. Чунки наша, марихуана, гашиш каби гиёҳлар ўсадиган ерларни, улар қайта ишланадиган саноатни ҳеч ким назорат қила олмайди.

Яна бир томони, муҳим жуғрофий-сиёсий ўзгаришларни бошидан кечирган Марказий Осиё минтақасини ўз таъсир доирасига киритиш учун интилаётган ташқи кучлар (балки ўзлари истамаган ҳолда) урушни зимдан ёқлаётгани ва қурол-яроғ етказиб бераётгани туфайли Афғонистонда терроризм ва наркотик моддалар савдоси авж олиб кетмоқда. Бу эса ялпи хавфсизликка жиддий путур етказмоқда.

Афғонистон муаммосини Марказий Осиёдаги давлатлар миқёсидагина ҳал этиш мумкин эмас. Чунки у бугунги кунга келиб глобал муаммога айланиб кетди.

Шунинг учун ҳам Ўзбекистон раҳбарияти мазкур муаммони фақат Бирлашган Миллатлар Ташкилоти йўлбошчилигида ва минтақавий ташкилотлар ҳамкорлигида ечиш мумкинлиги тўғрисида халқаро анжуманлар минбаридан бот-бот такрорламоқда. Хусусан, Президент Каримовнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясида илгари сурган Афғонистондаги урушаётган этник гуруҳларни четдан қурол билан таъминлашга чек қўйиш, у ерга қурол олиб киришни бутунлай тақиқлаш тўғрисидаги таклифи Европа Парламенти ва бошқа халқаро ташкилотлар томонидан қўллаб-қувватланмоқда.

Бу масалага, гарчи Афғонистон аъзоси бўлмаса-да, Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик ташкилотини ҳам жалб этиш мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Бир вақтлар АҚШ Президенти Б. Клинтон Американинг дунёда демократияни қарор топтириш борасидаги саъй-ҳаракатларини ўз мамлакатининг келажагига солинган сармоя, деб атаган эди. Шундай экан, ЕХҲТга аъзо давлатлар ҳам ўз хавфсизлигига Афғонистон каби ёниб турган минтақалардаги тангликни ечишга кўмаклашиши билан, наркотик моддалар йўлига тўсиқ қўйишда мазкур ислом давлатига чегарадош мамлакатлар ҳуқуқ-тартибот органларига ёрдам бериши билан сармоя ётқизиши мумкин.

Болқон ярим оролидаги тангликни бартараф этишда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, ЕХҲТ, НАТО, Ғарбий Европа Иттифоқи сингари халқаро ва минтақавий ташкилотларнинг ўзаро ҳамкорлиги юксак самара берган экан, Афғонистондаги урушаётган этник гуруҳларга ҳам ўзаро муросага келишлари учун балки яна бир «Дейтон битими» зарур бўлар.

Марказий Осиёдаги яна бир муҳим муаммо Орол денгизининг қуриши оқибатида вужудга келган экологик тангликдир. Халқаро ташкилотлар, хусусан, Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик ташкилоти бу тангликни бартараф этишга эътибор қилаётгани яхши. Аммо муайян моддий ёрдамсиз, давлатлараро дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш учун зарур бўлган маблағларсиз уни ҳал этиб бўлмайди.

Президент Ислом Каримов Лиссабон саммитида ҳозир бўлган давлат ва ҳукумат бошлиқларини Ўзбекистоннинг Марказий Осиёни ядро қуролларидан ҳоли минтақа деб эълон қилиш тўғрисидаги таклифини қўллаб-қувватлашга чақирди. Бу таклиф минтақадаги айрим мамлакатларнинг жон-жаҳди билан мазкур қирғин қуролига эга бўлишга интилаётган бир шароитда нақадар қимматли эканини ортиқча изоҳлаб ўтиришга ҳожат бўлмаса керак.

Лиссабон саммити — НАТОнинг кенгайиши тўғрисидаги баҳслар майдони

Саммит чоғида НАТОнинг Шарқий Европа мамлакатлари томон кенгайиши масаласи асосий баҳсмунозараларга сабаб бўлди.

Америка Қўшма Штатлари вице-президенти Ал Гор Шимолий Атлантика альянси фикрдош демократик давлатларнинг мудофаа иттифоқи эканини билдирди. Иттифоқ ҳеч кимга хавф туғдирмайди. Шунинг учун ҳам Шарқий Европа мамлакатларининг демократия ва эркинлик шароитида яшаш тўғрисидаги интилишларидан чўчишга ҳеч қандай асос йўқ. НАТО Россия билан ҳамкорлик қилишга интилади.

АҚШ вице-президентининг бу гапларини НАТО бош котиби Х. Солана ҳам тасдиқлади.

Россия Бош вазири Виктор Черномирдин эса Россия НАТОнинг шарқ томон кенгайишига мутлақо қарши эканини билдирди. Унинг фикрича, Шарқий Европа мамлакатларига Шарқдан ҳеч ким хавф солаётгани йўқ.

Албатта, ҳар бир давлатнинг ўз манфаатлари ва улардан келиб чиқадиган қарашлари бор.

Украина Президенти Л. Кучма эса ўз нутқида янги мустақил давлатлар ҳудудида ҳудудий даъволар пайдо бўлаётганидан ташвиш билдирди. Бундай аҳвол Хельсинки Якунловчи Акти руҳига мутлақо зиддир.

Россия бир тарафдан НАТОнинг ўз чегаралари томон кенгайишига қарши, бироқ айрим рус сиёсатчилари ўзининг ҳар хил ҳудудий даъволари билан Шарқий Европа мамлакатларининг НАТОга киришини тезлаштирмоқда.

ЕХҲТга аъзо барча мамлакатлардан ҳеч бирининг Хельсинки Якунловчи Акти принципларини бузишга ҳаққи бўлмаслиги керак. Бинобарин, Ислом Каримов таъкидлаганидай, мазкур ташкилот минтақасини ўз таъсир доирасига олишга, Европадаги бир ташкилотни иккинчисига қарама-қарши қўйиш мақсадга мувофиқ эмас. Европадаги мавжуд муассасалар ўртасидаги ҳамкорликни, улардан ҳеч бирини иккинчисидан устун қўймай мустаҳкамлаш умумий манфаатларга хизмат қилади.

Ялпи хавфсизликни таъминлашга дахлдор масалаларни қабул қилишда аъзо давлатлардан ҳеч бирининг вето ҳуқуқи бўлмаслиги керак. Шу маънода ЕХҲТ Парламент Ассамблеяси Президенти Хавиер Руперес қизиқ бир таклифни ўртага ташлайди. Гумон ва умидлар бир-бирига қоришиб кетган қитъадаги мазкур муътабар ташкилотда ҳар бир қарор «тахминий муроса» йўли билан қабул қилиниши керак. Бу нима дегани? Қарорлар қабул қилиш учун жами давлатларнинг 90 фоиз овози кифоя қилади.

Бу гапларни келтиришдан мақсад янги XXI аср бўсағасида ташкилот доирасида ялпи хавфсизлик моделини ишлаб чиқиш осон кечмаётганини эсга олишдир.

Демократия — ялпи хавфсизлик таянчи

Бугун ЕХҲТ минтақаси тарихда илк маротаба умумий демократик қадриятлар асосида яшаш мажбуриятини олишди. Бу минтақанинг хавфсизлиги эркин бозор, эркин фикр, эркин кишилар ва эркин миллатларнинг ўзаро ҳамкорлигига асосланади.

Бир вақтлар фақат ҳарбий маънода қўлланган «хавфсизлик» атамасининг бугунги кунда кўлами ниҳоятда кенгайиб, демократик жараёнларни ҳам қамрайдиган бўлиб қолди. Янги мустақил давлатларда, коммунизм асоратидан қутулган Шарқий Европа мамлакатларида демократик ислоҳотлар ўтказиш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш, кам сонли миллатларнинг ҳуқуқларини ҳурмат қилиш ялпи хавфсизликка хизмат қилади.

Демократия бўлмаган ерда барқарорлик ҳам бўлмайди. Қонунлар ҳали тўла амал қилмаётган ерда турли сиёсий кучларнинг ноқонуний йўл билан ҳокимиятни эгаллашга уриниши, инсон ҳуқуқларининг қўпол равишда бузилиши ҳоллари фуқаролар урушига олиб келиши мумкинлигига кўплаб мисоллар келтириш мумкин.

Сўнгги ойларда Беларусда рўй берган ҳокимият тармоқлари ўртасидаги келишмовчилик жиддий сиёсий тангликни келтириб чиқарди. ЕХҲТнинг амалдаги раиси, Швейцария ташқи ишлар вазири Флавио Котти ҳам мазкур танглик юзасидан ташвиш билдириб баёнот берди ҳамда ташкилотнинг Лиссабон саммити иштирокчилари Беларусга институционал тангликни бартараф этишда ёрдам бериши лозимлигини қайд этди.

ЕХҲТ ва дунё

Дунёнинг бошқа минтақаларидаги жараёнларнинг кечиши кўп жиҳатдан Европа қитъасида мавжуд муаммоларнинг қандай ҳал этилишига боғлиқ экани ҳеч кимга сир эмас.

Анжуманда кузатувчи сифатида иштирок этган Ўрта Ер денгизи мамлакатларидаги миллий низо, терроризм каби муаммоларни ҳал этишда Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик ташкилоти, Европадаги бошқа устмиллий тузилмалар, қолаверса, ташкилотга аъзо мамлакатлар билан ҳамкорлик қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Саммитда сўзга чиққан нотиқлар ташкилот чегараси Ванкувердан Владивостоккача, Атлантика океанидан Урал тоғлари ва Марказий Осиё даштлари қадар эканини қайд этишди. Аслида, хавфсизликнинг чегараси бўлмайди. Ҳар бир давлатнинг ички хавфсизлиги ялпи хавфсизлик билан, ҳар бир давлатда кечаётган демократик жараёнлар ташқи дунёдаги демократик жараёнлар билан бевосита боғлиқ.

Буни Лиссабон саммити яна бир карра тасдиқлади.

Ялпи хавфсизликни таъминлаш борасида гап кетаётган экан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Лиссабон учрашуви чоғида айтган қўйидаги сўзлари алоҳида аҳамият касб этади: «Хавфсизликнинг, шу жумладан, Европа хавфсизлигининг чегараси йўқ. Шундан келиб чиққан ҳолда, бизнинг фикримизча, Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик ташкилотининг роли, аҳамияти, қолаверса, масъулияти Европа билангина чегараланиб қолмаслиги, ундан ташқаридан келаётган хавфни ҳам ҳисобга олиши керак булади».

Фахриддин НИЗОМ.

Муаммо кўндаланг қўйилади

АРНАСОЙ ДЕНГИЗГА АЙЛАНАДИМИ?

КЎЗ ЎНГИМИЗДАГИ ХАЗИНА МУТАСАДДИ ТАШКИЛОТЛАР ЭЪТИБОРИГА МАҲТАЛ

· Хорижликлар бизга ҳавас қилишсаю...
· Табиий офатми ё Оллоҳнинг иноятиｍ?
· Сув ҳавзаси икки баравар кенгайди, маҳсулот эса ўн баравар камайди — Нега?

Юртимиздаги ҳар бир неъмат мустақиллик учун хизмат қилиши керак. Шу ҳақда ўйлар эканмиз ҳали Ўзбекистон заминида яшириниб ётган имкониятлар чек-чегарасиз эканлиги кўз олдимизда гавдаланади. Хорижлик мутахассислар Ўзбекистоннинг табиий бойликлари, саховатли замини, мўътадил иқлимига бежиз ҳавас қилишмайди. Ўз бағрида жуда катта хазинани асраб келаётган маъволардан бири — Арнасой кўллар тизимидир.

Қисқача жўғрофий шарҳ: Қизилқум чўли марказий қисмидаги жуда катта сув ҳавзаси — Арнасой ҳавзаси аслида Фориш тумани яйловларига жойлашган Арнасой, Тузкон ва Айдар деб аталувчи учта табиий кўлнинг қўшилишидан 1969 йили пайдо бўлган. Уч кўл бирлашиб, 184 минг гектарлик мўъжаз денгизга айланган.

Бу ҳолатни кимлар табиий офат, кимлар Оллоҳнинг инояти деб қабул қилдилар. Табиий офатлиги шундаки, ўшанда Фориш туманига қарашли 184 минг гектар яйлов, кўплаб қўралар сув остида қолди. Оллоҳнинг саховати экани шундаки, чўлга оққан оби-ҳаёт одамларга етти хазинанинг бири, лукмаи ҳалол деб аталувчи жаннатий ризқни олиб келди.

1975 йилда марҳум Шароф Рашидов вилоятга келиб Арнасой кўллар тизимини айланиб кўрди. Ўшанда у киши Жиззах вилояти раҳбарларига тизимда балиқ овловчи жамоа ташкил этиш ҳақида кўрсатма бердилар. Кўп ўтмай, Фориш тумани «Чимқўрғон» ширкатлари уюшмаси ҳудудида Наврўз кўрғони, дудлаш цехи ва 200 тонна сиғимли аммиакли музхона қурилди.

Арнасой тизимида балиқчилик тез тараққий эта бошлади. Ҳар йили 700-800 тонна балиқ овланиб, махсус машиналарда Тошкент, Самарқанд, Гулистон каби йирик шаҳарлар аҳолисига етказиб бериларди. 1983 йили бу кўрсаткич 3000 тоннадан ошиб кетди. Бироқ 1995 йилда «Жиззахбалиқ» ҳиссадорлик жамияти балиқчилари атиги 340 тонна балиқ овлашга муваффақ бўлдилар. Бундай паст кўрсаткичнинг сабаби фақат бозор иқтисодиёти десак, ғалчалик тўғри бўлмайди. Ўтган 28 йилдан бери омбор суви деярли ҳар йили тошади ёки тошиш хавфи туфайли тизимга оқизилади. Тизим ҳозирги пайтда салкам икки бараварга кенгайди. Унинг ҳажми 315 минг гектардан ошиб, Навоий вилоятининг ҳам каттагина қисмига ёйилди. Тизим чуқурлиги илгари 7-8 метрдан 30-40 метргача етди.

Сув кўпаяётган экан, балиқлар ҳам кўпаймайдими? Балиқлар кўпайса, овлаш нега кам? Жиззах балиқ хўжалигида 30 дан зиёд бригада ва звенолар бор. Улар орасида алоқа йўқ. Бу сўнгги йилларда тартиббузарлар ва ташмачиларга қўл келмоқда.

— Балиқ овлашни кўпайтириш мумкинми? — деб сўраймиз илғор бригада саркори Адаш Маликовдан.

— Агар тўрларимиз етарли бўлиб, лоақал ихтиёримиздаги қайиқларимиз тўхтамай ишлаб турганида бригадамиз жамоаси ҳозиргидан уч ҳисса зиёд балиқ тутардилар. Лекин фақат кўпроқ балиқ овлаш ҳақида эмас, уларнинг заҳираларини кўпайтириш ҳақида ҳам ўйлаш керак. Бизнинг балиқларимиз фақат табиий кўпаймоқда. Йилига 10 миллион балиқ чавақчалари тайёрлаш мумкин бўлган сунъий ҳавзамиз ишламаяпти.

Балиқ маҳсулотлари орасида дудланган балиқларга талаб катта. Лекин, балиқчилар шаҳарчасида бундан 12 йил бурун қурилган дудлаш заводи эндиликда вайрона ҳолатда.

Арнасой кўллар тизими атрофида яшовчи аҳоли сўнгги пайтларда кўлдан туз қазиб олиб, истеъмол қилмоқдалар. Тегишли идоралар бу ерда туз заҳираларини ўрганиб, бу ишни ҳам тартибга солишлари керак. Умуман Арнасой замини илмий-тадқиқот институтлари учун жуда катта ўрганиш майдони бўлиши лозим. Сув ҳавзаси тақдирини ўз ҳолига ташлаб қўйиш, юмшоқ қилиб айтганда, хўжасизликдан бошқа нарса эмас. Биз шу соҳа билан шуғулланувчи олимларга мурожаат қилиб қатор саволларга жавоб ололмадик. Кўл тизимининг атрофига жойлашган туманларга, хўжаликларга умуман экологиямизга таъсири қандай? Бултурги кузнинг ниҳоятда қуруқ, бу йилги баҳорнинг ўта салқин келиши шу кўл ҳосил қилган микроиқлимга алоқадорми? Нега сув ҳавзасининг деҳқончиликка таъсири бўйича аниқ тавсиялар ишлаб чиқилмаган? Эҳтимол кўллар тизими ишлаб чиқариш инфраструктурасига ўзгартиришлар киритишни тақозо этар? Бу каби ҳаётий муҳим масалалар кенг қамровдаги дастур ишлаб чиқилишини тақозо этади. Ким билсин, бу жойларда чорвачилик билан бирга саноатлашган балиқчилик тармоғини ҳам ривожлантириш маъқулроқдир. Нима бўлмасин, Қизилқум бағрида ястаниб ётган бепоён сув ҳавзаси ўз бойлигини ҳадя этиши учун бунёдкор инсон қўлларига мунтазир.

Шуҳрат ЖАББОРОВ,
Келдиёр ЖЎРАҚУЛОВ,
«Ўзбекистон овози»нинг махсус мухбирлари.

Таҳририят ушбу масала бўйича дахлдор идораларга мурожаат қилди. Қуйида уларнинг жавоблари билан танишасиз.

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси:

Қўйилган масалаларни тўғри деб ҳисоблайман. Шу билан бирга, «Жиззахбалиқ» ва «Ўзбалиқ» корхоналарининг ва маҳаллий давлат бошқарув органларининг етарли назорат ўрнатмаганлиги сабабли кўлларидан ушланган балиқ талон-торож қилиниб, олиб-сотарлар қўлига ўтаётганлиги тўғрисида ҳам айтилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Раис: А. ҲАБИБУЛЛАЕВ.

Фориш туман ҳокимлиги:

Туманимиз ҳудуди 981.444 гектар майдонни ташкил этиб, унинг 204 минг гектари 1969 йилда пайдо бўлган Арнасой-Айдар сув ҳавзасидан иборат. 1994-95 йилларда Чордара сув омборидан ортиқча сувларнинг тушишидан сув ҳавзасининг сатҳи кўтарилиб унинг саҳни 315 минг гектарни ташкил этди. Бу майдонлар «Қизилқум», «Чимқўрғон», «Фориш», Омонкелди ва Еримбетов номли ширкатлар уюшмасининг яйловларидан ташкил топган.

Сув ҳавзаси давлат сув фонди ҳисобланиб, Ўзбекистон ҳукуматининг қарорларига асосан юқори Арнасой ва Шимолий Айдардан 77,3 минг гектар ер Тошкент шаҳар овчилар жамиятига берилган.

Айни пайтда сув ҳавзалари атрофида Тошкент шаҳрига, республикага қарашли турли ташкилотлар, бундан ташқари, ҳар хил кичик корхоналарнинг дам олиш масканлари жойлашган бўлиб, улар анча-мунча ер майдонини эгаллаб турибди.

Бу ерларда дам олувчилар, тартиббузарлар томонидан Айдар ва Тузкон йўлларидан балиқ ва ондатра муйналари талон-торож қилинмоқда. Бундан ташқари, сув ҳавзаси атрофи жиноятчилар маконига айланган бўлиб, охирги йилларда 32 одам ўлиги топилган, 9 та жиноят содир қилинган, ўнлаб дайдилар ушланган.

Сув ҳавзаси атрофида содир бўлаётган салбий воқеаларнинг сабаби ягона раҳбарликнинг йўқлигидандир.

1970 йилда ташкил этилган вилоят балиқ ишлаб чиқариш бирлашмаси ўзининг «Наврўз» балиқчилар аҳоли пунктини, ер ажратиш бўйича қарор чиқарилмаса-да, Фориш туманининг «Чимқўрғон» ширкатлар уюшмасига қарашли ердан қурган.

Бундан ташқари, сув сатҳининг кўтарилиши ҳисобига сув босган яйловлардаги 71 отар қисқартирилиб, бешта хўжаликдан ишга яроқли 213 нафар одамлар бекор қолган.

Меҳнат биржасида ҳисобда турган, меҳнатга яроқли ишсиз одамларнинг маълум бир қисмини фойдали меҳнатга жалб этиш учун Арнасой-Айдаркўл сув ҳавзасида балиқчилик ва мўйначиликка ихтисослашган жамоа хўжаликлари ташкил этиш имкони бор. Бизнингча, Фориш яйловлари ўрнида ҳосил бўлган кўл туман иқтисодиётини кўтаришга хизмат қилиши керак.

Туман ҳокими: Б. САЙИТҚУЛОВ.

«ЎЗБАЛИҚ» ДАВЛАТ-АКЦИОНЕРЛИК КОРПОРАЦИЯСИ:

Ҳақиқатдан ҳам, Арнасой сув ҳавзаси атрофида ечилиши лозим булган муаммолар анчагина, шулардан бири балиқчиликни ривожлантириш масаласидир.

1994-1995 йиллари баҳор ойлари даврида Чордара сув омборидан кўплаб миқдорда сув Арнасой сув ҳавзалари тизимига тушиши оқибатида ҳавзалар майдони 184 минг гектардан 320 минг гектарга кенгайди.

Кўплаб яйловлар, кўтонлар ва шу билан бирга балиқларни овлаш учун ҳар хил шох-шаббалардан, дарахтларнинг тўнкаларидан тозаланиб, тўр тортиб балиқ овлаш учун тайёрланган жойлар сув остида қолиб кетди.

Тўр тортиб балиқ овлаш бу ҳавзаларда балиқ овлашнинг асосий самарали усули ҳисобланар эди. Ҳозирги даврда эса бу усул билан балиқ овлашнинг иложи бўлмай қолди.

Тизим чуқурлиги илгариги 7-8 метрдан 30-40 метрга етди. Шунинг учун ҳам маълум миқдорда бўлган балиқ сув ҳажмининг ошиши оқибатида катта майдонга ёйилиб кетиши ва уларни овлашда қийинчиликлар вужудга келаётгани табиий ҳолдир. Янги пайдо бўлган сув ҳажмида, аввалгидек, балиқлар заҳираси вужудга келиши учун қандайдир фурсат керак бўлади.

Чордарадан Арнасой сув ҳавзасига кўп миқдорда сув тушиши сувнинг минераллашиш даражаси пасайишига, сувнинг гидрохимик, гидробиологик шароити яхшиланишига, ҳавзаларнинг табиий ҳосилдорлиги ошишига олиб келди. Келгуси 5-10 йил ичида балиқларнинг кўпайиши табиий ҳолдир.

Ҳавзаларнинг гидрохимик, гидробиологик ва ихтиологик ҳолатини ўрганиш масаласи балиқчилик корпорациясига кирувчи Аквакультура институти ва республика Фанлар академиясининг Зоология институти ходимларининг доимо диққат марказида бўлиб келмоқда.

Бу ҳавзалар бўйича олимларнинг бир нечта методик қўлланмалари мавжуд, лекин таклифлар тўлалигича амалга ошириляпти, деб бўлмайди. Таклифлар Арнасой сув ҳавзасига кирувчи кўлларга кўплаб балиқларнинг бир йиллик чавақчаларини ўтказиш ва охирги йилларда пайдо бўлган қушлар муаммосини ҳал қилишга қаратилгандир.

Аввалари Орол денгизи атрофидаги сув ҳавзаларида мавжуд бўлган қорогоз (баклан) ва бошқа балиқхўр «очофат қушлар» балиқчилик хўжаликларига катта зиён келтирмоқдалар.

Зоология институтининг олимлари аниқлашича, 1992 йили бир кеча-кундузда қушлар Арнасой сув ҳавзаларидан 11,5 тоннагача балиқларни ўзлаштирган. Йил сайин бу қушларнинг сони кўпайиб бормоқда. Олимлар қушлар тухум кўйган даврда уларнинг тухумларини йиғиб олишни таклиф қилмоқдалар.

«Ўзбалиқ» корпорацияси хўжаликлари томонидан ҳар йили Арнасой ҳавзасига ўртача икки миллион донадан балиқларнинг чавақлари ўтказилмоқда.

Балиқларни муҳофаза қилиш масаласида шу нарсани таъкидлаб ўтиш лозимки, бу масалага жавобгар ташкилот республика Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасидир.

Корпорациянинг балиқчилик хўжаликлари балиқ овламайдиган даврда, яъни балиқларнинг ўрчиш даври бўлган май ойи давомида ҳам бозорларда сотилаётган балиқларнинг миқдори камаймаяпти, бу ҳолатга Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси панжа орасидан қараб келмоқда. Айниқса, шу даврларда насл қолдириши мумкин бўлган балиқларни қонунга хилоф равишда овлаб савдога чиқариб балиқ заҳираларига путур етказилаётгани ачинарли ҳолдир.

Корпорациямиз сунъий ва табиий ҳавзалардаги балиқларни муҳофаза қилиш мақсадида соҳа учун ўзининг махсус назорат-қўриқлаш хизматини ташкил этиш масаласини қўйганида Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси бу таклифимизга қарши чиқмоқда.

Бозорларда, кўчаларнинг ёқасида балиқ билан савдо қилаётганларни ким текшириши керак ва қайси ҳолларда уларга рухсат берилиши керак?

Аввалари республикамиз балиқчилик хўжаликлари эҳтиёжи учун ҳар йили 35 тоннагача ҳар хил кўзли тўрлар, махсус арқонлар ва бошқа маҳсулотлар олинар эди. Ҳозирги даврда балиқчилик хўжаликларининг овлаш воситаларига эҳтиёжи 15-20 фоиз қондирилмоқда холос. Бу муаммо республикамизнинг ўзида ишлаб чиқариладиган капролактам асосида балиқчилик хўжаликлари учун махсус тўрлар ишлаб чиқарадиган корхона қурилишини тақозо этади.

Балиқ чавақларини Арнасой сув ҳавзаларининг олдидаги ҳовузларда етиштириб, кейинчалик ҳовузларга ўтказиш учун сув берувчи каналларни таъмирлашга маблағ йўқлиги, балиқ чавақлари учун махсус омихта ем ишлаб чиқарилмаётгани бу ишларга тўсқинлик қилмоқда. Корпорациямизга қарашли балиқлар учун махсус омихта ем ишлаб чиқарувчи корхонамиз бўлишига қарамасдан, айрим компонентларнинг етишмаслиги оқибатида махсус ем ишлаб чиқаришнинг иложи бўлмаяпти.

Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси вилоят ҳокимларига ўз ҳудудларида умуман балиқчилик фаолияти билан шуғулланмаган ташкилотлар негизида балиқчилик хўжаликлари очиш ҳуқуқини бериш масаласини олга сурмоқда.

Қизиқ бир вазият юзага келаётгани шундан иборатки, балиқчилик хўжаликлари ҳиссадорлик жамиятларига айлантирилиб, улардаги овлаш воситалари, йўл, транспорт ва бошқа воситалар хусусийлаштирилди, лекин кўлдан фойдаланиш ҳуқуқи кафолатланмаган.

Балиқчилик хўжаликлари табиат ресурсларидан фойдаланишда, балиқ ресурсларини овлаш ҳуқуқини олишда Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси тазйиқи остида қолдилар.

Фориш тумани ҳокимлиги аввалги қоракўлчилик ташкилотлари негизида 3 та балиқчилик хўжалиги ташкил этилганлигини хабар қилган. Фикримизча, янги хўжаликлар ташкил этиб эмас, балки шу туманда фаолият кўрсатаётган Фориш балиқчилик хўжалиги таркибида балиқ овлаш бригадалари ташкил этиб ҳам одамларни иш билан таъминлаш муаммосини ҳал килса айни муддао булур эди.

Бундан ташқари, «Ўзбалиқ» корпорацияси балиқлар заҳирасини аниқлаш бўйича илмий ишлар, мелиорация ишларини олиб борса, тизимга ҳар йили 2 миллион донадан балиқ чавақчаларини ўтказсаю, бошқа бир ташкилот фақат балиқларни овлаб, сотиш билан шуғулланса, бу ҳам адолатдан эмас. Бу ҳолда балиқчилик корпорацияси бошқа балиқ овлаш хўжаликларининг ҳужалик мавқеига эга бўлиб қолса республика ташкилотларида балиқчилик манфаатини ким ҳимоя қилади ва бу масалага ким жавоб беради? Қўш ҳокимиятчилик юзага келмайдими?

Балиқларни овлаш воситасига, балиқ овлаш малакасига эга бўлмаган одамлар билан балиқчилик хўжалиги ташкил этиш, овланаётган балиқларни кўплаб талон-торож бўлишига олиб келади, деб ҳисоблаймиз.

Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ўз ҳоҳишича тизимда кичик корхоналар очилишига мойиллик қилишининг туб негизи шундан иборатки, кейинчалик шу корхоналарга балиқ овлаш учун рухсатнома (квота) бериш ва шу хўжаликлар олган фойданинг 50 фоизига шерик бўлишдан иборатдир. Лекин қўмитанинг асосий вазифаси табиатни муҳофаза қилишдан иборатку! Тизимда балиқ овлаш, балиқ чавақчаларини ўтказиш ва бошқа хўжалик ишлари билан шуғулланиш «Ўзбалиқ» корпорациясига юклатилган.

Ҳусан АҲМЕДОВ,
«Ўзбалиқ» Давлат ҳиссадорлик корпорациясининг балиқчилик, балиқ овлаш ва балиқ заҳираларини муҳофаза қилиш бошқармаси бошлиғи ўринбосари.

Мустақиллик асослари

ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚЛАРИ

Олий Мажлис томонидан қабул қилинган Фуқаролик Кодекси бозор ўзгаришларини, кўп укладли иқтисодиётнинг қарор топишини, мулк шаклларининг хилма-хиллигини қонунан таъминлашда сифат жиҳатдан янги босқич бўлди.

Бу мураккаб, кенг қўламли жамлама қонун ҳужжатининг (биринчи қисми 385 та моддадан иборат) моҳияти шундан иборатки, унда ҳар бир фуқаро учун ҳар қандай мулкка эга бўлиш, ундан ўз инон-ихтиёри билан ва ўз манфаатлари йўлида фойдаланиш ҳамда тасарруф этиш ҳуқуқи қатъий мустаҳкамлаб қўйилади. Мулкнинг барча турлари, шу жумладан энг аввало хусусий мулк дахлсиз деб эълон қилинади, мулкий муносабатларнинг барча қатнашчилари — у давлат органи бўладими, йирик акциядорлик компаниясими, кичик корхонами ёки жисмоний шахс сифатидаги алоҳида фуқароми, шартнома эркинлигига эга эканлиги белгилаб қўйилади.

Кодекс фуқаронинг мулкий ҳуқуқини биринчи ўринга қўйиб, бу ҳуқуқни бутун хилма-хил давлат ва маъмурий ҳудудий тузилмалар, бозор тузилмалари ва юридик шахслар, оилавий меҳнатга оид муносабатлар ҳамда табиий ресурслардан фойдаланиш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш муносабатлари орқали аниқ мақсадни кўзлаб ва изчиллик билан таъмин этади.

Бунда кодекснинг 1-моддасида таъкидланганидек, «Фуқаролик қонун ҳужжатлари улар томонидан тартибга солинадиган муносабатлар қатнашчиларининг тенглигини эътироф этишга, мулкнинг дахлсизлигига, шартноманинг эркинлигига, бирон-бир кишининг хусусий ишларга узбошимчалик билан аралашишига йўл қўйилмаслигига, фуқаролик ҳуқуқларининг тўсқинликсиз амалга оширилиши, бузилган ҳуқуқлар тикланиши, улар суд орқали ҳимоя қилинишини таъминлаш зарурлигига асосланади». Шундай қилиб қонун фуқаролик ҳуқуқларини фақат эълон қиладигина эмас, балки уларни амалга ошириш ва муҳофаза қилишнинг кафолатлари ҳамда механизмларини суд қарорларига қадар таъминлайди ҳам.

Бозор муносабатлари чуқурлашган сари Фуқаролик Кодексининг ўрни ва аҳамияти анча кенгаяди ҳамда ортиб боради. Юридик шахс тушунчаси, унинг ташкил этилиши, руйхатдан ўтиши тартиби, ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги билан бир қаторда Кодексда бу ташкилотларнинг турлари ва типлари ҳам батафсил очиб берилган.

Барча юридик шахслар турларининг ва мулк соҳиби бўлган фуқаронинг (жисмоний шахснинг) мулкий ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлигини тартибга солишга алоҳида аҳамият берилган. Бундай ёндашув бозорга оид турли муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш, уларда фуқароларнинг онгли равишдаги иштироки, танлаш ва шартнома эркинлиги учун бениҳоя муҳимдир.

Ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинувчи асосий ҳолатлардан бири — бу уй-жой муносабатларидир. Агарда, илгари фуқаронинг уй-жойига шахсий мулк тариқасида қаралган ва бу унинг шахсий эҳтиёжларини қондириш учун ҳизмат қилган бўлса, ҳозирда эса уй фуқарога хусусий мулк сифатида тегишли бўлиб, унга бу уйга нисбатан тўлиқ эгалик қилиш, уни тасарруф қилиш (ўз ихтиёри бўйича) ҳуқуқи берилган.

Мулк ҳуқуқи билан бир қаторда хусусан яна қатор ҳуқуқлар қонунда белгиланган.

Ушбу қонун ҳужжатлари давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан бўладиган кўп қиррали муносабатларда ва мулк шаклларидан қатъи назар, ишлаб чиқаришда инсон ҳамиша устун туришини реал ҳуқуқий амалиет даражасига кўтаради. Улар барча ҳокимият институтлари ўз фаолиятларида асосий мақсадга — инсон ҳуқуқларини қўриқлаш, ҳимоя қилиш ва кафолатлашга бўйсунишини реал ҳақиқатга айлантиради. Бу эса адолат ва инсонпарварлик ғояларига асосланган демократиямизни ривожлантиришнинг сифат жиҳатидан янги босқичидир.

Кундалик ҳаётда иқтисодиет устувор шароитда ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий ўзгаришлар ўзаро чамбарчас боғлиқ ва бир-бирини тақозо этган ҳолда юз бермоқда.

Фуқаролик Кодекси инсоннинг мулкий ҳуқуқ билан боғлиқ масалаларини янгича ҳал қилади. Унда фуқаролик-ҳуқуқий битимларни тузишда кенг эркинликлар берилган, Фуқароллар

Ўзбекистон— Япония:

ДЎСТОНА АЛОҚАЛАРДАГИ ЯНГИ БОСҚИЧ

Ўзбекистон ўз мустақиллигининг беш йили давомида юзлаб давлатлар билан ўзаро манфаатли алоқалар ўрнатди. Кейинги пайтда эса республикамизнинг ривожланган мамлакатлар, шу жумладан Япония билан муносабатлари ҳар томонлама мустаҳкамланиб бормоқда. Айтиш мумкинки, кунчиқар давлат билан дўстона алоқалар янги босқичга киряпти.

Биз шу йўналишда иш олиб бораётган биргина «Ўзбекистон—Япония» жамияти фаолияти билан танишиб чиққанимизда ҳам бунга амин бўлдик. Ўзбекистон Республикаси халқаро маданий-маърифий алоқалар миллий уюшмаси қошида 1991 йилда ташкил этилган мазкур жамият Ўзбекистон ва Япония ўртасида халқаро алоқаларни кенгайтиришга, ҳар икки давлат турли жамоат ташкилотлари, марказлари ҳамда ваколатхоналари ўртасида ҳамкорлик ва дўстликни ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

Жамият ҳар икки мамлакат жамоатчилигини бу давлатлар ҳаёти, маданияти, миллий анъаналари ва ютуқлари билан мунтазам таништириб боряпти. Бундан ташқари «Фукусима—Ўзбекистон» маданий-иқтисодий ҳамкорлиги уюшмаси ҳам ҳар икки мамлакат ўртасида дўстона муносабатларни ривожлантиришга қаратилган иқтисодий, маданий алоқаларни кенгайтира бориб, ўзбек ва япон халқлари ўртасидаги ишончни оширишга ҳисса қўшмоқда.

Икки мамлакат ўртасидаги алоқаларнинг ривожланишида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 1994 йилда Японияга қилган расмий ташрифи янги босқични бошлаб берди. Бу ташриф самараси ўлароқ икки томонлама иқтисодий, маданий ва маориф соҳасида тенг ва ўзаро фойдали ҳамкорлик имкониятини яратувчи келишувларга имзо чекилди. 1994 йилда Японияда Ўзбекистон маданияти кунлари ўтказилди. Худди шу йили Фукусима префектураси губернатори бошчилигида Япония делегацияси Ўзбекистонда бўлди. 1995-96 йиллар мобайнида Японияда мамлакатимизга қарийб 20 дан зиёд делегация келди. Жумладан, Япония медицина ходимлари, Риссе университети талаба ёшлари, Фукусима префектураси студентлари, Япония соғлиқни сақлаш вазирлиги делегациялари ташрифи шулар жумласидандир. Япония делегацияси мамлакатимиз ҳаёти, диққатга сазовор жойларини кўриш билан бирга Тошкент, Ангрен, Бекобод ва Қўқонда урушдан кейинги йилларда дафн этилган япон ҳарбий асирларининг хоклари бориб зиёрат қилдилар. Ўтган йили пойтахтимиздаги Яккасарой туманида мамлакатимизда урушдан кейинги йилларда дафн этилган 812 нафар япон ҳарбий асирлари номларини эслатиб турувчи ёдгорлик очилди. Бу мемориалнинг очилиш маросимида республикамизга «Фукусима — Ўзбекистон» маданий-иқтисодий ҳамкорлиги уюшмаси президенти Ито Цукаса бошчилигидаги жамоатчилик делегацияси ташриф буюрди.

СУРАТДА: Япония манзаралари.

Япония томони Ўзбекистон билан маориф соҳасидаги ҳамкорликни кучайтиришга, республикамиздаги иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлашга ҳам эътибор бермоқда. Жумладан, Япония парламенти қошидаги Япония ва Ўзбекистон ўртасидаги дўстлик уюшмаси иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш мақсадида республикамиздаги бир қатор ўқув юртлари талабаларини махсус жамғарманинг стипендиялари билан тақдирлади. Японияннг таниқли давлат арбоби, парламент аъзоси жаноб Хираси Кумагай бошчилигидаги делегация Ўзбекистонга келганда республика Фанлар академиясининг муҳим илмий ишларни олиб бораётган олимларига фанни ривожлантиришдаги ҳиссалари учун маблағ тақдим этди. Шунингдек, Ҳамза номидаги санъатшунослик институтига ҳам тегишли моддий ёрдам кўрсатилди.

Айни пайтда Ўзбекистон халқаро маданий-маърифий миллий алоқалар уюшмаси Японияннг республикамиздаги элчихонаси билан бир қатор тадбирларни амалга оширди. Жумладан, Тошкентда япон қўғирчоқлари кўргазмаси, «Хамар» кўргазма залида эса япон рассомларининг асарлари кўргазмаси ташкил этилди. Ўзбекистон рассомлар уюшмасида япон сопол буюмлари намойиши бўлиб ўтди. Дарвоқе, республикамизда Япония киноси ҳафталиги ўтказиш анъанага айланиб бормоқда. Шу йилнинг 11-14 декабрь кунлари Тошкентдаги «Кино уйи»да Япония кино фильмлари фестивали ўтказилади, 14 декабрдан бошлаб эса Япония плакатлари кўргазмаси очилади. Бу тадбирларнинг амалга ошиши «Ўзбекистон — Япония» жамиятининг Ўзбекистон халқаро маданий-маърифий алоқалар миллий уюшмаси билан олиб бораётган саъй-ҳаракатлари натижасидир.

Ўйлаймизки, бундан кейин ҳам Ўзбекистон — Япония алоқаларининг истиқболи порлоқ бўлади. Чунки, ўзаро ишонч ва ҳамкорликка асосланган дўстлик буни кафолатлаши шубҳасиздир.

Аслиддин БОЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози» шарҳловчиси.

Шов-шув

РАВОЧ СОЧНИ ҚОРАЙТИРАДИ

БРАЗИЛИЯ. *Ўсимлик дунёсидаги бу янгилик ҳаммани ҳаяжонга солянди. Доктор Альберт Френцукерчалик ҳеч ким дунёдаги барча аёлларнинг «кўнглидагисини» топмаган бўлса керак. Аёл борки, гўзалликка интилади. Дилбарлари эса худо берган ҳуснга нимадир «қўшгиси» келади. Эркаклар ҳам бундай истақдан, имкон бўлса воз кечишмаса керак.*

Доктор Френцукер Амазонкада ўсимликлар дунёсини ўргана туриб, ғалати воқеани кузатди. Амазонкалик аёллар вино тайёрланадиган равоч қайнатмасини кўп ичишаркан. Бу дамламани муттасил ичиб борган малласочларнинг сочи қорайиб бораркан. Қора танлар эса оқарармиш... Бориб турган —мўъжиза, сенсация!

Олим ҳозирча равочнинг «сирини» — очолганича йўқ. Унинг фикрича равоч «сеҳрли куч»га ҳам эга. Амазонка равочи сеҳрлими ёки оддийгина ўсимликми? Дунё аёллари (эркаклар ҳам, албатта), бу масалани бир четга суриб қўймоқда. Асосийси бу эмас-да. Муҳими энди одам танасини оқартириш ёки бошқа рангга «бўяш» учун пластик операцияларга ҳожат қолмайди. Қўнғир кўзли парилар эса мовий бўлсин деб линзалар қўйиб жонларини қийнаб ҳам ўтиришмайди. Соч-чи?!Сочни айтмайсизми, Европада-ку оқ соч, малласоч гўзалликдир. Лекин оқ сочнинг кимёвий бўёқларсиз, табиий, ҳақиқий зулукдек қора бўлиши ҳақиқий муъжиза-да.

Дарвоқе, биздаям равоч ўсади. Лекин бу «амазонкалик равоч» эмас, шошилманг.

Ажабмас, бизнинг равочлар ҳам шундай «сеҳрли» бўлса?! Ҳозирча доктор Альберт Френцукерни олқишлашдан бошқа чорамиз йўқ.

Дунё ўсимлик оламида шундай шов-шувлар.

Саида ЙЎЛДОШЕВА тайёрлади.

Бу телба дунё

ҲОТАМТОЙ 6000 ДОЛЛАРНИ КЎККА СОВУРДИ

АТЛАНТА. *Шаҳар кўчаларида ғалати миллионер ўткинчиларга пул улаша бошлади. Бойвучча йигит ўзини танитмаслик учун «горилла» костюм кийиб олганди.*

— Жин урсин, бу шундай қизиққи, — деди ҳотамтой «Жон Доу» йўловчилар ҳам пулга ажабланиб қараб, «Нега?» деб сўраганларга. — Озгина ортиқча «соққа» ҳеч кимга зарар қилмайди. Менда эса улар кўп.

Кейинги кўчада эса у лимузин машинасини кира қилди ва ҳайдовчига қаерда тўхташини айтиб борди. Ўша ҳайдовчининг гапига қараганда «ғалати мижози» 50 долларлик чекларни ҳар қадамда учраган кимсага «ҳадя» эта-эта, 6000 долларнинг кулини кўкка совирибди.

— Менимча тентак бойвучча эди, — дейди ҳайдовчи ҳамон ҳайратланиб. — Лекин у одамларга жуда ёқиб қолди. Кинотеатр ёнида тўхтатинг деди, тўхтадик. Навбат кутиб турганларга пул улаша бошлади. Иккита киши негадир рад этди. Бошқалари... Тўғри қилди-да, олиб. Ё тавба қайтиб машинага ўтириб: «Одамларнинг қувончли юз-кўзларини кўрмоқчиман» дейдия!..

Афсус, «ҳотамтойни» ҳеч ким таний олмади. Номаълум миллионер йигит хайрия фондигаям талай маблағ ўтказди.

Миллий иш майдони

ЗАМОНАВИЙ ЛИНИЯ МАҲСУЛОТИ

Мамлакатимизда кейинги йилларда гўшт-сут маҳсулотларини қайта ишлаш масаласи эътибордан бироз четда қолган эди. Ана шу соҳани ривожлантириш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бирига айланганди. Бинобарин, бу соҳани жадаллаштириш учун эскириб қолган технология жараёнларини янада такомиллаштиришнинг аҳамияти катта.

Шу боис тармоқда кескин ўзгаришлар ясаш жоиз эди. Шуниси қувончлики, «Тошкентсут» ҳиссадорлик жамиятида бу ишга биринчи бўлиб киришилди. Шу мақсадда корхонада янги асбоб-ускуналар ўрнатиш ва янги-янги технологик жараёнларни ишга туширишга фаол амалга оширилмоқда. Ўтган йилнинг охирларида Швециянинг «Тетрапак» фирмаси билан шартнома тузилди. Шартномага биноан, швециялик ҳамкорлар сутни қайта ишлаш ва шарбат қуйиш технологик линияларини ўрнатиб беришлари зарур эди. Акционерлик жамияти эса Германиянинг «КНФ» банкидан 3 миллион 900 минг АҚШ доллари миқдорида қарз олди. Бу қарз 10 йил муддатга олинди.

Швециялик ҳамкорлар ушбу цехни қисқа муддатда фойдаланишга топширдилар. Айни пайтда бу технологик линия ўзининг дастлабки маҳсулотларини бера бошлади. Бу линияларнинг бирида бир литрли қутиларда соатига 3,6 тонна сут ҳамда шарбат маҳсулотлари ишлаб чиқарилаётир. Шунингдек, 200 граммли қутиларда ҳам соатига 900 литр сут ва шарбат маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Янги линияда стерилланган сут, шоколадли, қулупнайли, бананли сут маҳсулотлари тайёрланмоқда. Олма ва апельсинли шарбатлар ҳам ҳозирданоқ ўз мижозларини топди.

— Аввалларида бизда тайёрланган маҳсулотлар харидоргир эдию, аммо сут маҳсулотлари бир-икки кунда айниб қоларди, — дейди «Тошкентсут» ҳиссадорлик жамияти раиси Рустамжон Юсупов. — Ушбу линия ишга тушириллгач, маҳсулотларимизнинг сақланиш муддати анча узайди. Масалан, сут маҳсулотлари 4 ой муддат ичида бузилмай турaверади. Турли шарбатлар эса бир йилгача узининг тотлилик, хушбўйлик фазилатларини йўқотмайди. Зеро, ана шунинг учун ҳам турли фирмалар ва давлат савдо тармоқлари маҳсулотларимизни тезкорлик билан сотиб олишмоқда.

Ҳа, ислоҳотлар йўлидан дадил одим ташлаётган Ўзбекистонимизда бундай янгиликлар кўплаб юз бермоқда. Гўшт-сут саноати тизимидаги ушбу корхона охиргиси эмас. Яқин келажакда бу соҳада туб иқтисодий ўзгаришлар амалга оширилади, янги-янги корхоналар бунёд этилади. Демак, халқимизнинг гўшт ва сут маҳсулотларига бўлган эҳтиёжи тўла қондирилади.

Шоҳайдар МИРҲАБИБОВ,
Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ.
Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган сурат.

Хорижда

• ТОКИО. *Сеулдаги аэропортда Қозоғистон фуқароси Виктор Ким катта миқдордаги наркотик модда билан мамлакатдан чиқиб кетишга уринаётган пайтда қўлга олинди.*

Жанубий Корея полициясининг хабар беришича, шу пайтгача аэропортда бундай улкан миқдордаги героин билан боғлиқ ҳодиса юз бермаган.

Сўров натижасида Виктор Ким наркотик моддаларни Жанубий Кореяга сотиш учун 20 ноябрда олиб келганини тан олди. Бироқ, у «молига» харидор топа олмаган.

Маълумки, Жанубий Корея қонунларига асосан, наркотик моддалар савдоси билан шуғулланган шахс олий жазога ҳукм қилинади.

* * *

• НЬЮ-ЙОРК. *«Клементина» сайёралараро зондидан келаётган ахборотларни таҳлил қилаётган бир гуруҳ америкалик олимлар Ойнинг жанубий ярим шарида катта муз тоғлари бўлиши мумкинлигини тахмин қилишмоқда.*

«Клементина»нинг кузатув экрани ногаҳон ғаройиб сигналларни аниқлай бошлади. Бу сигналлар Ернинг сунъий йўлдошлари томонидан Арктика музликларида аниқланган радиотўлқинли нурланишга жуда ҳам ўхшашдир. Кашфиёт муаллифларидан бири Южин Шумейкернинг сўзларига қараганда, агар ойда ҳақиқатан ҳам муз тоғлари мавжуд бўлса, у ҳолда бу ой тўғрисидаги барча тасаввурлар ва космик саёҳат режаларини ўзгартириб юборади.

Кашфиётнинг тўлиқ исботланиши учун камида икки йил сабр қилишга тўғри келади. Олимлар мана шу вақт мобайнида «Лунар проспектор» космик аппаратини фазога чиқармоқчи. Унда нейтронларни аниқловчи махсус асбоб ўрнатилган бўлиб, у барча тахминларни ҳақиқатга айлантириши мумкин.

Олимларнинг фикрича, муз тоғлари Ойнинг кометалар билан тўқнашуви натижасида пайдо бўлган.

* * *

• ОТТАВА. *Канаданинг экологияни муҳофаза қилувчи ташкилотлари мамлакат ҳукуматининг ХХР раҳбарияти билан иккита ядро реакторини Хитойга сотиш тўғрисида тузган шартномасига қарши чиқди. Уларнинг фикрича, Канада раҳбарияти 4 миллиард доллар миқдоридаги бу савдо шартномасига розилик бериши билан қонунбузарликка йўл қўйган. Шунингдек, реакторларнинг сотилиши ядровий қуролларни тарқатмаслик мажбуриятини олган Канада сиёсатига хилоф ишдир.*

* * *

• ВАШИНГТОН. *«Вашингтон пост» газетасининг хабар беришича, ердан 5 миллион километр узоқликдан «Тутатус» астероидининг ўтиши кутилмоқда.*

Бу астероид француз олимлари томонидан кашф қилинган бўлиб, қадимги галлар худоси шарафига «Тутатус» номи билан аталган эди.

Тутатусни кузатиш 1992 йилдан бошланган. Ўшанда у ердан 3 миллион километр узоқликдан ўтиб кетган эди.

Маълумотларга қараганда, бу хил астероидлар сони фазода ўн мингдан ортиқни ташкил қилади.

АҚШ Миллий аэронавтика ва космик фазони ўрганиш бошқармасининг 1993 йилги тадқиқотларига кўра, келгуси юз йилликда ерга диаметри бир неча юз метрга етадиган астероид тушиши мумкин.

Мэриленд университетининг олими Лоси Макфадденнинг таъкидлашича, фан томонидан аниқланган астероидлар сайёрамиз учун айтарли хавф туғдирмайди. Фақат, ҳали номаълум бўлган астероидлар хавотир уйғотади, холос.

Эҳтиром

ЯРИМ АСР БОЙЛИГИ

Насриддин ака билан бир хонада ўтирамиз. Ким кўп — у кишининг таниш-билишию, ёру биродари кўп. Мана бу мисралари бекорга битилмаган:

Ярим аср йўл юриб, топган бойлигим ° дўстлар,
Ташвишу қувончимда барин жамулжам кўрдим.

Чиндан ҳам, хонадаги телефоннинг қулоғи бўшамайди ҳисоб: «Насриддин ака борларми?»

Бу саволга: «Борлар», — дейишга ҳам, «йўқлар», — деб айтишга ҳам ҳайронсиз. Чунки: «Борлар», — дегунингизча лип этиб чиқиб кетиб қоладилар, «йўқлар», — деб турган жойингизда чопқиллаб кириб келаётган бўладилар...

Қаламкашлик Носир Муҳаммад учун ота касби. Раҳматлик Мисриддин Муҳаммадиев нақд ўттиз беш йил Яккабоғ тумани газетасига муҳаррирлик қилганлар.

Носир Муҳаммад, аввало, шоир. Китоблари чоп этилган. Ширин ғазаллари бор. Кўпи қўшиқ қилиб куйланади. Миллионлаб томошабинлар у кишини халқаро шарҳловчи сифатида билади. Унинг миллий шарҳловчилигимиз равнақига камтарона улуш қўшиб келаётгани рост. Бу касбнинг ҳам ўзига хос инжиқликлари бор. Халқаро шарҳловчи бутун жаҳон билан ҳамнафас яшашга мажбур. Дунёда эса нима кўп — ахборот кўп. Шунинг ҳаммасидан бохабар бўлиб, уларни саралаб, таҳлил этиб, эл олдига чиқиш осон иш эмас.

Шу тариқа бу қаламкаш публицистикасида янги бир йўналиш пайдо бўлди. У хориждаги ҳаёт, турли воқеа-ҳодисалардан келиб чиқиб, бевосита ўзимизга алоқадор масалалар топади ва шу йўл билан ўзига хос таъсирчанликка эришади. Бир ёрқин далил келтириш мумкин. АҚШнинг Алабама штатидаги Энтерпрайз шаҳрида 1915 йили бир ғаройиб ҳайкал ўрнатилган. Унда пахтага қирон келтирган қўнғизни кўтариб турган бир аёл акс эттирилган. Хўш, нега? Ўшанда штатда пахта яккаҳокимлиги ҳукм сурарди. Қўнғизлар пахтага қирон келтира бошлади. Уни бартараф этишнинг ҳеч йўли топилмади. Охири, ерларга пахта эмас, бошқа турли экинлар экишга мажбур бўлдилар. Кутилмаган натижа юз берди. Халқ пахтадан кўра кўпроқ даромад ола бошлади. Ҳайкал алабамаликларнинг қўнғиздан миннатдорликлари рамзи эди... Қиссадан ҳисса эса маълум: пахта яккаҳокимлигидан қутулиш Ўзбекистон учун ҳам ана шундай



фойда келтириши аниқ.

Халқаро мавзуларда ёзадиганлар учун тил билиш суву ҳаводек зарур. Насриддин ака форс, немис ва турк тилларини пухта ўзлаштирган. 1976 — 1979 йиллари хорижда таржимон бўлиб ишлаган ҳам. Ўтган йили Берлиндаги Халқаро журналистика институтида икки ойлик курсда ўқиб келди. Форсийдан Абу Али ибн Сино, Абдуллоҳ Ансорий, Жалолиддин Румий, Амир Хусрав Деҳлавий, Фоний (Алишер Навоий), немисчадан Ҳайнрих Ҳайне, Йоҳанн Гёте, Йоханнес Бехер, озарчадан Мирзо Алиасқар Наврас, Бахтиёр Ваҳобзода, татарчадан Абдулла Тўқай, қорақалпоқчадан Тўлепберген Матмуродов асарларидан намуналар таржима қилган. Тожикча шеърий машқлари ҳам бор. Айрим асарларини ўзи тожикчага ўгирган. Шеърлари рус, озарбайжон тилларида ҳам чоп этилган. Шоирнинг бир ғазалида:

Наво бўлса, Навоийнинг навосидек наво бўлсин, — деган мисрага дуч келамиз. Навоийдан наво исташ учун эса, шубҳасизки, уни обдон мутолаа қилиш керак. Очиғи, бугунги шоирлардан ҳар кимнинг ҳам бу улуғ бобокалонимиз меросига тиши ўтавермайди. Насриддин аканинг Навоийга меҳри баланд. У ёзган мақолалари билан навоийшунослигимизга, ўзгина бўлсин, ўз ҳиссасини қўшиб келаётган шоирларимиздан.

«Муштум» журнали Носир Муҳаммад шеърларини чоп этар экан, муаллиф ҳақида: «Фазовий тезликларни бир қадамда ҳал қилади-қўяди», — деб қайд этган эди. Чиндан ҳам, қаламкашнинг китоблар, хусусан, газета-журналлар саҳифаларига сочилган, радио ва телевидение мавзуларига ёйилган ўттиз йиллик ижоди маҳсуллари шундай хулоса қилишга асос беради. Айримлари батартиб, кўпи бетартиб сочилиб ётган бу қирқимларни бир-бир варақлар эканман, ота-боболаримиз бекорга девон тартиб беришни ёки куллиётлар китобат қилишни йўлга қўймаган эканлар, деб ўйлайман...

Ҳамиша елиб-югуриб юрадиган бу жонсарак инсонга хос бир хусусиятни алоҳида қайд этгим келади. Кўпчилигимизнинг хаёлимизда доимо лабида ханда, юзида табассум билан юрадиган кишилар ҳаётнинг аччиқ жиҳатлари, инсонни қийнаб ташлайдиган муаммоларини яхши ҳис этмайдилар ёки атайлаб ўзларини улардан четроқ олиб юрадилар, деган тасаввур ҳукмрон. Насриддин ака ана шу хушчақчақ кайфияту ҳазил-мутойибалар орасида кўпинча кутилмаганда ажойиб ҳаётий хулосалар айтиб ташлайдики, мағзини чақиб, маза қиласиз.

«Қаҳрамон»имиз жиндай эринчоқлигини, йиллар матбуот соҳасида ишлайвериб, қоғоздан безиб қолгандек туюладиган кайфиятини енгган маҳалларда ана шу дурдона фикрларини қоғозга тушириб, газета ва журналларда бостириб ҳам туради. Уларни, ҳақли равишда, ярим аср мевалари, дейиш мумкин.

Насриддин аканинг асарлари, дўстлари — бойлиги, дедик. Чинакам бойлиги эса — дилбар аёли, қизи, тўрт ўғли, невараси... Хулласи, буларнинг бари — мисқоллаб йиғилган сарватлар. Ҳеч ким ярим аср тер тўкиб тўплаган бойлигини елга совургиси келмайди. Энди ана шу бойликдан фойдаланиш даври ҳам етди. Насриддин ака. Қаламингизга қувват тилаймиз.

Султонмурод ОЛИМ.
Халқаро Аҳмад Яссавий мукофоти соҳиби.

ВАЗИР АЛМАШАДИГАН БЎЛДИ

Венгрия. Рейтер агентлигининг хабар қилишича, Венгрия Бош вазири Дьюла Хорн қишлоқ хўжалиги вазири Ласло Лакошни шу йил 15 декабрдан ўз вазифасидан бўшатишга қарор қилганини айтди.

Бош вазирнинг баён қилишича, вазирлик Европа Иттифоқи талаблари даражасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган миллий дастурни уддалай олмади.

Лакуш Хорннинг 1994 йил май ойида тузилган коалицион ҳукумати таркибидан чиқарилган ўн биринчи вазир саналади. Дьюла Хорн 57 яшарлик қишлоқ хўжалиги муҳандиси Фридьеш Надни Лакошнинг ўрнига вазир этиб тайинлади. У социалистлар партиясининг парламентдаги депутати ҳамда Европа интеграция комитетининг вице-президентидир.

Манбалардан маълум бўлишича, Хорн полиция маҳкамасида юқори лавозимларни эгаллаб келган тўрт нафар амалдорни ҳам ишдан бўшатди. Чунки улар Будапештда содир этилган уюшган жиноятчи тўдалар билан алоқадор деб топилганди.

МОЛДОВАНИНГ ЯНГИ ПРЕЗИДЕНТИ

Молдова. Молдова ҳамда ғарб ахборот агентликларининг хабар қилишича, мамлакатда президент сайлови якунланди. Президентликка сайловнинг иккинчи турида Пётр Лучинский 53,14 фоиз овоз билан собиқ Президент Мирче Снегур устидан ғалаба қозонди. Мамлакатдаги нуфузли сиёсатчи 56 яшарлик Лучинский собиқ Иттифоқ даврида КПСС Марказий Комитети котиби лавозимида ишлаган. Унинг номзодини сўл кучлар, Аграр демократик партияси, социалистлар, Молдова Коммунистлар партияси ҳамда Унита-бирлик ҳаракатчилари ёқлаб овоз беришди. Баъзилар Лучинскийни «Россия билан якдил кайфиятдаги» номзод деган фикрни ҳам айтишди. Сайловолди учрашувларида Лучинский Мустақил ҳамдўстлик давлатлари билан яқиндан ҳамкорлик қилиш, жумладан, Россия билан ҳам яхши қўшничилик алоқалари ўрнатиш фикрини бир неча бор таъкидлаб ўтганди. Президент Лучинский МДҲ билан ўзаро мустаҳкам ҳамкорлик қилиш мақсадини ёқлаганлар, демак, ҳаёт тарзимизни эзгулик сари ўзгартиришга интилаётганлардир, деб айтди илк баёнотидаёқ.

ЛУКАШЕНКОНИ ҚАБУЛ ҚИЛМАДИ

Португалия. Португалия Президенти Жорже Сампайо Белоруссия Президенти Александр Лукашенкони Лиссабондаги халқаро учрашувлар олдидан қабул қилишни рад этди, деб хабар қилади Франс-Пресс агентлиги. Португалия Президенти бунинг сабабини расмий тарзда баён қилди.

Португалия Президентининг бундай кескин қарор чиқаришига яқинда Белоруссияда бўлиб ўтган референдумга Европа Иттифоқи ҳамда ғарб давлатларининг танқидий фикр-мулоҳазалари сабабчидир, деб изоҳламоқда шарҳловчилар.

ВАКОЛАТИ УЗАЙТИРИЛДИ

Македония. Рейтер агентлигининг хабар қилишича, БМТ Хавфсизлик Кенгаши Македонияда хавфсизликни муҳофаза қилиш бўйича БМТнинг ваколатини яна олти ойга узайтирди.

ДАВЛАТ РАҲБАРИ ҚАСАМЁДИ

Руминия. Руминия оммавий ахборот воситаларининг хабарларига кўра, мамлакатнинг янги Президенти Эмиль Константинеску юқори давлат раҳбари сифатида қасамёд қилди. Шу куни у парламентда ваколати бўлган барча сиёсий тузилмалар раҳбарлари билан музокаралар олиб борди. Шундан сўнг Константинеску расмий равишда Бухарест шаҳри мэри, Руминия демократик конвенцияси вакили Виктор Чорбяга янги ҳукуматни шакллантиришни таклиф этди. Константинескунинг таъкидлашича, у фақат бир неча ойга эмас, балки тўрт йилга мўлжалланган мустаҳкам ҳукумат тарафдоридир. Бундан икки кун олдин Руминия Социал-демократик иттифоқи раҳбари Петр Роман ҳамда Христиан-демократлар миллий деҳқон партияси раҳбари Ион Дьяконеску Сенат ва депутатлар палатаси раислари этиб тайинланган эдилар.

Обуначи бурчаги

ЧАҚУВЧИЛАР ФАЛСАФАСИ

Бесаранжом ҳовли ичида пашша минғиллайди:
— Минг, минг... Мингдан кўпмиз, бизга ҳеч ким бас келолмайди.
Чивин ғинғиллайди:
— Ғинг десанг ҳам, демасанг ҳам чақаман...
Бингак ари:
— Бинг, бинг... Билдирмай чақаман...
Қовоқ ари ғўнғиллайди:
— Ғунг, ғунг, қовоғингни кўтар, бўлмаса наштарим ёмон...
Мўридан чиққандай қоп-қора, барзангининг бошмалдоғидай ари учиб келиб ҳаммадан баланда айланади. Унинг соқов тилига тушунадиган қариндошлар қулоқ тутишади:
— Кўп нарсани биламан, бироқ айтишдан қўрқаман!..

ОТЧОПАР БОЗОРИ

Отчопарда бугун одамлар чопар:
Тижорат ҳар кимнинг унвон, амали.

Имонлар савдога тушган бу жойда
Фирибгар зотининг риё тамали.

Барака доригай касбу-корига
Кимда бўлса диёнат, инсоф чамали.

Одам одамликдан чиққай бегумон
Узоқроқ чўзилса нафснинг қамали.

Соддани қидирган нозик дунё бу;
Тили қасам ичар, кўзи — шаъмали.

Кимдадир фаришта сифати зоҳир,
Кимдир лаънатланган шайтон наъмали.

Тилида адолат, инсоф каломи
Бўлганнинг бормикин бунга амали?

Мавж урган денгиз ҳам қуриб битадир,
Кўзлар меҳрла-мас, боқса таъмали.

Ҳали кўп бозорлар топгайдир ривож.
Отчопар ҳозирча унинг Ҳамали.

ОЛЛОЁР.

ЛЕНИННИНГ БАҲОСИ...

«Э, ҳозир жуда тушиб кетди оғайни», дейди «доҳийни сотаётган» одам. «Нега?» дея уни гапга соламан. У эса...

БИРИНЧИ КУЗАТУВ:

Пойтахтнинг энг гавжум Сайилгоҳ кўчасида йилнинг ўн икки ойи — тўрт фаслида ҳам миттигина «бозорча» тинмайди. Унда ғаройиб манзараларни кўрасиз. Ҳаваскор хира суратчилару, рассомларнинг асл ва кўчирма асарларининг «норасмий» кўргазмаси, минг хил ҳайкалча-ю, байроқларни арзон-қимматга пуллаётганлар гурунги қулоққа чалинади:

«Ўтиринг, ярим соатда чизиб ташлайман. Бор-йўғи 400 сўм».

«Манави асар ҳеч қаерда йўқ, олинг».

«Кимга Ленин керак?»

Охирги чорлов ғалати эшитилди. Бурилдим. Каттакон портрет. «Неча пул?» Сотувчи аввал юз-кўзимга қаради. Сўнг «Беш юз» деди. Ҳазил аралаш «сал тушмайсизми?» дейман. Сездим. Унинг жаҳли чиқди шекилли, «олмайсиз-ку, нима қиласиз мени алдаб? Кўпинча чет элликлар олишади. Ўзимизникилар масхара қилишади» дея ўтириб олди.

ИККИНЧИ КУЗАТУВ:

Дам олиш кунлари Бош универсал магазини ёнгинаси одатдагидан гавжумлашиб кетади. Ҳар гал беш-ўн киши тўп-тўп бўлиб, у ёқдан бу ёққа юриб туради. Синчиклаб кузатмаган одамга сезилмайди. Аммо яқинроқ борсангиз... Кўзларингизга ишонмайсиз. Сўраб, савдолашиб ўтириш шарт эмас. Ўзлари яқинроқ келиб, секин гапга солади: «Нима керак эди? Марками, пул ё тангами, орден ё нишонми?». «Лениндан борми?» сўрайман. Тўртаси югуриб келди. Бири кўкрагини очиб «қайсинисидан керак?» дея қаторлаштириб терилган орден-медалларни, бири бўлса жомадонини очиб Ленин акси туширилган тангалар ва қадим Чор Россиясининг сўлкавойларини кўрсатди. «Баҳоси қанча?», «Медаллар-500, тангалар юздан, сўлкавойлар — элликдан етмишгача...» Шу пайт яна бирови яқинроқ келиб қўлимдан чеккага тортди: «Орденидан бор. Олсангиз арзонга бераман». «Қанчага?» «Уч минг». Бош силкидим. У яна жаврай кетди: «Бу ҳалиям арзонлашган пайти, оғайни. Олти ойча аввал ўн минггаям топилмасди. Бизда қадри йўқ. Э, Россияда биласизми, 100—120 долларга сотишаркан. Бўлмаса манави байроқлардан олинг. Арзон, юздан уч юзгача...»

Кейин қўлида бир даста нишонлар кўтариб олган жувон савдолаша бошлади: «Марҳамат, октябрят — 20 сўм, пионер — 50 сўм, комсомол — 100 сўм».

УЧИНЧИ КУЗАТУВ:

Шовқинли даврадан чиқиб энди харидор бўлиб эмас, балки бир томошабин сифатида уларнинг ўзаро гурунгига қулоқ соламан: «Сотолмаяпман, кеча бир қария Ленинни зўрға уч юзга оламан девди, бугун юзгаям кўтармади. Нархи тушди унинг...»

«Мен-чи, кеча бир дўконга бордим. Амир Темурнинг сурати чизилган лаганчани уч мингга бермадия шоввоз...»

СЎНГГИ СЎЗ ЎРНИДА:

Дарвоқе, сизни билмадим. Лекин мен Ўзбекистонда Ленининг баҳоси ниҳоятда пасайиб кетаётганининг гувоҳи бўлдим...

(«Обуначи бурчаги» материалларини Норқобил ЖАЛИЛ саралади).

ХОНАДОНИНГИЗ МАСЛАҲАТЧИСИ

Бундан етти йил муқаддам ойноманинг биринчи сонини тайёрлашга киришганимизда «тиббиёт бир тармоқ бўлса, ҳар ойда чиқадиган журнал учун материалларни қаердан топамиз? Кейинчалик муштарийларнинг кўнгли совиб кетмасмикан?», деган ташвишимиз ҳам йўқ эмасди. Тиббиёт, халқ табобати тарихи, ривожланиш босқичлари, истиқболи ва муаммолари шунчалар бой, кўпқиррали эканки, қайси бирини қаламга олишга, биринчи навбатда қай бирига эътибор беришга гоҳо бошимиз қотади. Шарқ табобати, Хитой, Тибет, Вьетнам тиббиётининг бир неча минг йиллик тарихи, илмий ва амалий тиббиёт муаммолари бамисоли уммон экан. Ана шу бойликдан юртдошларимизни баҳраманд этишга имкон қадар ҳаракат қиляпмиз. Асосий эътибор замонавий тиббиёт амалиётлари, тиб илмининг ривожи, мустақил Ўзбекистонимиз фуқароларига тиббий ёрдам кўрсатиш, соғлиқларини муҳофазалаш ва тиклаш, атроф-муҳит мусаффолиги ҳамда профилактика соҳасида амалга оширилаётган ишларни, муолажалаш, ташхис қўйиш ва хасталиклар олдини олиш борасида қўлланилаётган янги, самарали усулларни тарғиб этишга эътибор қаратилмоқда.

Бошқача қилиб айтганда, муштарийларни фақат республикамиз даволаш муассасалари, илмий марказлари ва етакчи мутахассислар кашфиётлари, даволашдаги ютуқларимиз билан таништирибгина қолмай, балки хорижий мамлакатлар, айниқса, тиббиёт соҳасида тажрибалари ибрат бўладиган мамлакатлар билан таништириб боришга ҳам кенг ўрин беряпмиз.

Янги йилда ҳам ойноманинг ҳар бир сонини қизиқарли тайёрлаш йўлларини излаяпмиз. Ойноманинг 1997 йил учун обуна баҳоси бошқа нашрларга қараганда анча арзон. Сизлар ортиқча қийналмай ёзилинглар, севимли журналингизни вақтида олиб туринглар, деган ниятда маблағ етишмовчилигидан қийинчиликларни зиммамизга олиб шундай қилдик. Яна бир қулайлик — нақд пул ўтказиш билан бир қаторда векселлар билан ҳисоб-китоб қилинишига ҳам розимиз. Обуна республика Матбуот тарқатиш марказининг вилоят ва туманларидаги барча бўлимларида қабул қилинмоқда, обуна муддати чекланмаган.

«СИҲАТ-САЛОМАТЛИК» ОЙНОМАСИ ТАҲРИРИЯТИ.

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати

Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Одилжон ОЛИМЖОНОВ, Ислом ШОҒУЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари), **Аслиддин БОЛИЕВ** (бош муҳаррир ўринбосари, «Осиё бозори» учун масъул), **Владимир ЧЕБОТИН** (бош муҳаррир ўринбосари — «Голос Узбекистана»), **Алимқул СУЛТОНОВ** (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»), **Александр ТЮРИКОВ** (масъул котиб — «Голос Узбекистана»).

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 33-07-20, 36-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 33-11-49, 36-54-06.
Иқтисодиёт — 33-21-43, 36-57-22.
Фан ва маданият — 33-07-20, 36-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 33-76-04.
Ахборот ва спорт — 33-12-56, 36-55-16.
Халқаро ҳаёт — 33-20-36.
Реклама ва эълонлар — 33-38-55, 33-47-80. факс — 33-54-55.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Андижонда — 24-16-48;
Бухорода — 3-54-87;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-31-86;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Самарқандда — 35-22-90;
Тошкентда — 33-12-56;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 22-36-78;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 5-26-24.

МАНЗИЛИМИЗ:

700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир А. РЎЗИЕВ, навбатчи У. ФАЙЗИЕВА.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120

Газета офсет усулида А—2 форматида 26.845 нусхада босилди

Ҳажми 2 босма табоқ

«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

Г — 0694

Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 22.30

1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

ОҚИБАТ СЎҚМОҒИДА

Илонни тутқич билан тутиб сўрайман:
— Муродингни айт!
— Эркимга қўйсанг, мен илонман, илон бўлиб яшашим керак...
— Нега одамлар сени бунчалик ёмон кўради?
— Унисини билмадиму, лекин биз тарафларда ҳамма бир-бирига «одам боласидан эҳтиёт бўл», деб уқтиришади.
— Биздаям доимо катталар кичикларга «илондан огоҳ бўл», — деб тайинлайди.
— Тўғрисини айтсам, мен ҳам одамзотнинг кўзидан қўрқаман.
— Заҳар солмоқ эрур касби илоннинг...
— Бу гапни ёмонлар ҳақида одамларнинг ўзлари тўқиган. Бизга табиат ато этганидан ўзгаси номаълум. Яхши одам, сен ҳаммадан қудратлисан, мени қўйвор!..
Бир пайт момом сўзлаб берганди: Бешикка кириб олиб, ухлаб ётган гўдак кўкрагида қулча бўлиб ётганича болагаям, уни бехос ушлаб олиб ташлаган онага ҳам тегмаган илон эсимга тушиб уни қўйвордим.
Илоннинг иниси чаён тошбақанинг яхшилигини дарров унутган. Мен бориб-бориб қўлимга тушган газандага яхшилик қилдим. Зинҳор-базинҳор балиқчи чол каби ундан таъмаю умидворлигим йўқ. Магарким, илондан зарра оқибат қайтса одамзотга бўлсин!

САВДО ВА УМУМИЙ ОВҚАТЛАНИШ КОРХОНАЛАРИ РАҲБАРЛАРИ, ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

"Ўзулгуржибиржасавдо" акционерлик уюшмасига қарашли Ўзбекистон Республикаси мол-хом ашё биржаси "Ўзмевасабзавотузумсаноат" уюшмаси билан биргаликда шу йилнинг 10-13 декабрь кунларида

УЛГУРЖИ САВДО ЯРМАРКАСИ ЎТКАЗАДИ.

Ярмаркада "Ўзмевасабзавотузумсаноат" уюшмасига қарашли корхоналар, бирлашмалар ва агрофирмаларнинг 1997 йил учун қуйидаги маҳсулотлар улгуржи савдоси ташкил этилган:

1. Консервалар:
2. Виночилик маҳсулотлари:
3. Қуритилган мева-сабзаватлар.

Маҳсулотлар нархи эркин ва келишилган баҳоларда белгиланади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси-7. Ўзбекистон Республикаси мол-хом ашё биржасининг Кўргазмалар павилвони.

Қўшимча маълумотлар бўйича 56-35-03; 41-18-21; 41-11-81; 41-37-54 телефонларга мурожаат қилинг.

АО «ВТОРЦВЕТМЕТ» ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН
ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ФИРМАСИ ПРОИЗВОДСТВЕННАЯ ФИРМА **НОВАТОР**

Юқори сифатли ва жаҳон андозаларига мос бўлган эмал сирларни ҳамда турли автомобиллар — "ВАЗ", "ГАЗ", "ЗИЛ", "ЗАЗ", "Москвич" ларнинг поршенларини ишлаб чиқарувчи, МДҲ ва Ўзбекистон бозорларида пешқадам ҳисобланмиш

"НОВАТОР" фирмаси

дилер ва ҳамкорларни ҳамкорликка чорлайди.

Келишилган нархлар ва Ўзбекистон бозорларида маҳсулотларимизга бўлган талаб сизга кенг имкониятлар яратади.

Мурожаат учун телефонлар: (3712) 57-44-30, 57-78-55, 57-43-00. Факс: (3712) 58-69-70.

Производственная фирма
"НОВАТОР"
АО "УЗВТОРЦВЕТМЕТ"
реализует:
автомобили "Газель" (ГАЗ — 330210 грузовой вариант с тентом)

автомобильные поршни всех моделей и всех ремонтных размеров.

Производит эмаль-провод марки ПЕТВ — 2 и по заказу клиента производит фрионостойкий эмаль-провод марки ПЭФ — 155 для ремонта холодильных установок.

Телефон для справок: (3712) 57-43-00, 57-78-55, 57-44-30. Факс: 58-69-70.

BAT
BRITISH-AMERICAN TOBACCO
ЎЗБАТ А.Ж. ЎЗБЕК-БРИТАНИЯ ҚЎШМА КОРХОНАСИ
Олий ўқув юртларини (1993-1996 йилларда) якунлаганлар ва студентлар учун қуйидаги мутахассисликлар бўйича МАХСУС ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

- молия ва бухгалтерия ҳисоботи -(Finance and Accounting)
- ишлаб чиқариш бошқаруви -(Production Management)
- савдо ва истеъмол маркетинги -(Trade and Consumer Marketing)
- кадрлар бошқаруви -(Human Resources Management)
- агроном -(Agronomy)
- ишлаб чиқариш участкалари раҳбарлари -(Production Supervisers)

Танлов ғолиблари менеджер-стажер сифатида ишга қабул қилинади ва "Бритиш-Американ Тобакко" компаниясининг улкан тизими бўйича 2 йиллик ўқув курсини ўтайди.

Сиз анкетани олгандан сўнг уни тўлдириб, қуйидаги манзилга жўнатишингиз мумкин:

-Тошкент ш., Носиров кўч.77, Тошкент тамаки фабрикаси
-Андижон ш., К. Яшин кўч. 7, ЎЗБАТ А.Ж. филиали (савдо маркетинги)
-Бухоро ш., Ўзбекистон Мустақиллиги кўч., 11, ЎЗБАТ А.Ж. филиали (савдо маркетинги)
- Самарқанд ш., А. Рудакий кўч., 150, Самарқанд тамаки-ферментация заводи
- Ургут ш., Навоий шоҳ кўч., 10, Ургут тамаки-ферментация заводи
- Фарғона ш., М.Қосимов кўч. 31 а, ЎЗБАТ А.Ж. филиали (савдо маркетинги)

Танлов асосида саралаб олинган барча номзодлар анкета тўлдирилиб топширилгандан кейин бир ой муддат ичида суҳбатга таклиф этилади.

КЕЛАЖАГИНГИЗ ЎЗ ҚЎЛИНГИЗДА! WE CHALLENGE YOU!

Спорт

БАЙРОҒИМИЗ КЎТАРИЛГУСИДИР

Кеча Бирлашган Араб Амирликлари шаҳарларида Осиё кубоги учун футбол бўйича финал учрашувлари бошланди. Мусобақанинг тантанали очилиш маросими ўзига хос байрамга айланди. Дастлабки учрашувлар БАА - Корея, Индонезия - Қувайт жамоалари ўртасида бўлди. Эртага Хитой-Ўзбекистон ва Япония-Сурия жамоалари майдонга тушадилар. Осиё ўйинларида эришилган зафарни такрорлашга ахд қилган йигитларимиз мухлислар ишончини оқлайдилар, деб умид қиламиз. Терма жамоа зса қуйидаги ўйинчилардан таркиб топтирилди. Дарвозабонлар Павел Бугало билан Дмитрий Башкевич, ҳимоячилар: Февзи Давлатов, Улуғбек Рўзимов, Фарҳод Магометов, Эдуард Мамотов, Николай Ширшов, Андрей Фёдоров, Геннадий Денисов, Алексей Семёнов, ярим ҳимоячилар: Степан Атоян, Сергей Лебедев, Равшан Бозоров, Нўъмон Ҳасанов, ҳужумчилар: Игорь Шквирин, Олег Шацских, Зафар Мусабоев, Азамат Абдураимов, Дилмурод Назаров. Омад ёр бўлса, ғалаба шарафига давлатимиз байроғи кўтарилгусидир.

Диққат, обуна давом этмоқда! Азиз юртдошлар!

ОСИЁ БОЗОРИ

Мустақил иқтисодий газетасига 1997 йил учун обуна бўлишни унутманг.

"ОСИЁ БОЗОРИ"

индекс: 64742 (якка обуначилар учун)

1 ойга	3 ойга	6 ойга	1 йилга
44 сўм	132 сўм	264 сўм	528 сўм

индекс: 64567 (ташкилотлар учун)

1 ойга	3 ойга	6 ойга	1 йилга
48 сўм	144 сўм	288 сўм	576 сўм

Ташкилотлар ва хусусий корхоналар диққатига!



"ЎЗБЕКЕНГИЛСАНОАТ" УЮШМАСИ

Енгил саноат маҳсулотларининг 1997 йилга улгуржи савдоси бўйича 5-6 декабрь кунлари **республика ярмаркасида** иштирок этишга таклиф этади.

Ярмарка тикувчилик, трикотаж, мўйна, пайпоқ маҳсулотлари, бош-кийимлар, пойабзаллар, кийим-кечаклар бўйича ўтказилади.

Ярмарка республика Ассортиментлар ва модалар марказида ташкил этилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Д.Қунаев кўчаси, 25-уй. Мўлжал — "Россия" меҳмонхонаси. Маълумот учун телефонлар: 39-14-37, 39-14-39.

«ВИРТЕХ-ОИЛ» ФИРМАСИ

Пул ўтказиш йўли билан

А-76 бензинини чекланмаган миқдорда сотади.
Кичик корхона ва ташкилотларга хусусий ёнилғи қуйиш шаҳобчалари орқали хизмат кўрсатади.
Ёнилғи маҳсулотларини ташиб бериш учун махсус автотранспортлар сизнинг хизматингизга мунтазир!

Манзил: Тошкент, Боткин кўчаси 5-уй. («Ташсельмаш» заводи бекати) Тел: (3712) 67-44-60, 68-12-06.

Ўзбекистон Телерадиокомпанияси тизимидаги Бадиий жамоалар дирекцияси Юнус Ражабий номидаги «Мақом» ансамблининг собиқ кекса хонандаси, Ўзбекистон халқ ҳофизи **Ортиқхўжа ИМОМХЎЖАЕВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Собир Раҳимов туман кенгаши 2-туғуруқхона бош шифокори Урол Абдусаматович Абдусаматовга отаси **Абдусамат АҲМЕДОВ**нинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Собир Раҳимов туман кенгаши туман санитария-эпидемиология станцияси шифокори, ЎзҲДП аъзоси **Сирожиддин Сайпиддинович САЙДАЛИЕВ**нинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.